Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ÖZBEKİSTAN AVAZI

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 12 март, шанба № 57—58 (21.662). Сотувда эркин нархда.

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ:

ЯНГИ БОСҚИЧ, ЯНГИ ВАЗИФАЛАР

СУРАТДА: мажлис пайти.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) тасвири.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раислигида иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идораларо кенгаш тузилди. Аввал хабар қилинганидек, 10 март куни Тошкентда ана шу кенгашнинг дастлабки мажлиси бўлди. Унда вазирлик, идора, уюшма, концерн ва ташкилотларнинг вакиллари, Ўзбекистон халқ нолблари, фермерлар, тадбиркорлар, ёш олим ва мутахассислар иштирок этди.

Мажлисни Президент Ислом Каримов бошқарди.

Мажлисда мазкур кенгаш тўғрисидаги низом лойиҳаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони қандай бажарилаётгани, мулкни хусусийлаштиришнинг давлат дастури, йирик ва ўртача корхоналарни очиқ турдаги акционерлик жамиятларига айлантиришнинг асосий йўналишлари, тамойиллари ва воситалари ҳақидаги масалалар муҳокама этилди.

Республика Бош вазирининг ўринбосарлари — ташқи иқтисодий алоқалар вазири Ў. Султонов, молия вазири Б. Ҳамидов, давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси В. Чжен ана шу масалалар юзасидан ахборот берди.

— Мазкур кенгашнинг вазифаси иқтисодий ислоҳот жараёнини бошқаришни такомиллаштириш, хорижий мутахассислар «иноқилобий» деб баҳолаётган фармон ва қарорларни бажариш йўлидаги тўсиқларни тезроқ бартараф қилиш, чет эл сармоясини республика иқтисодига дадил жалб этишга эришмоқдир,— деди Президент Ислом Каримов. — Биз қурилиш ва ишлаб чиқаришга киришган ҳуқуқий демократик давлатнинг пойдевори бўлмиш беш асосий тамойилнинг бири — бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишдан иборатдир. Ҳозир республикада бозор муносабатларини аста-секин шакллантириш таъмин этилаётир. Бу йўлда дастлабки қадамлар қўйилди. Мамлакатимизда қарор топган тинчлик ва осойишталик, фуқароларо тотувлик одамлар кайфиятига ижобий таъсир кўрсатяпти. Иқтисодиётни яхши йўлга қўйиш биринчи навбатда халқимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади. Шундай экан, ҳар бир корхона, ҳар бир меҳнат жамоаси республика ва халқ манфаатини кўзлаб ишлаши, давлатга боқимандa бўлиб ўтирмаслиги даркор.

Бозор муносабатларига ўтилаётганда,— деб сўзида давом этди Президент,— бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларига бутунлай барҳам берилиши керак. Бусиз кўзлаган мақсадимизга эриша олмаймиз. Минг афсуски, ҳали бу борада анча иш қилиш, кўпгина тўсиқларни бартараф этишга тўғри келади.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни жадал бораётгани, бунинг ҳуқуқий асослари яратилгани яхши самара берди. Кейинги вақтда республикамизда минглаб давлат иншоотлари мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантирилди, давлат ва идораларга қарашли уй-жой фондини хусусийлаштириш тугалланди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мулкни хусусийлаштириш тараққиётнинг энг тўғри йўли ҳисобланади. Ундан ортга қайтиш йўқ. Ана шу йўлни қаттиқ қўллаб-қувватлаш керак, деб ўйлайман.

Президент тадбиркорларга, айниқса, маҳсулот етиштирувчи деҳқон-фермерларга ҳар жиҳатдан ёрдам бериш, уларни зарур машина ва ускуналар билан таъминлаш, керак бўлса, имтиёзли кредитлар ажратиш, бу йўлдаги турли-туман ғовларни таг-томири билан бартараф этиш тўғрисида куюнчаклик билан гапирди.

— Иқтисодиётимиз, унинг эртанги куни тўғрисида ҳаммамиз ўйлашимиз, жон куйдиришимиз лозим. Иқтисодиётни моҳирлик билан бошқариб бориш зарур. Унга эскича йўл билан таъсир ўтказиб бўлмайди. Ахир, бусиз мамлакатимизни иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, уни жаҳондаги тараққий этган давлатлар қаторига олиб чиқиш мумкин эмас,—деди Президент.

Шундан сўнг Ислом Каримов ўзимизда тайёрланган хом ашёни саноатда қайта ишлаш, бу борада хорижий мамлакатларнинг технологиясини кенг қўллаш, ундан самарали фойдаланиш зарурлигига алоҳида тўхталди.

— Пахта бизнинг беқиёс бойлигимиз,— деди Президент.— Бас, шундай экан, қимматли хом ашёни ўзимизда қайта ишлаш масаласига алоҳида эътибор бермоқ керак. Ҳар бир жамоа, туман, вилоят раҳбари пешона тери билан етиштирилган пахтадан иложи борича кўпроқ даромад олишга интилмоғи даркор. Нима учун Америка ўз пахтасини қайта ишлайди-ю, биз бу ишни уддалай олмаймиз? Пахтамиз ўзимизникими, уни ўзимиз қайта ишлашимиз керак. Тўғри, бу иш осонликча амалга оширилмайди. Лекин пахтамиз жаҳон бозорида ўз ўрнини эгаллаши шарт. Бунинг учун биринчи навбатда республикада тадбиркорликни кенг қулоч ёйдиришга алоҳида эътибор берилиши керак.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, бозор муносабатларига ўтиш жараёнида иқтисодга хорижий сармояларни жалб этиш манфаатли йўлдир. Бундай имкониятдан самарали фойдаланиш керак.

Шундан кейин юртбошимиз мамлакат истиқболи ҳақида, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида ўтказилаётган сиёсат тўғрисида гапирди.

— Ҳар бир ишга иқтисодий нуқтаи назар билан ёндашиш лозим,— деди Президент. — Ўзбекистон нефть маҳсулоти ишлаб чиқариш соҳасида 1996 йил ярмига бориб жаҳонда етакчи ўринлардан бирини эгаллаши керак. Бу — жуда мураккаб, айни замонда шарафли вазифа. Ана шу вазифани қандай амалга оширамиз? Афсуски, бу масалани ҳозирча ҳеч ким ўйламаяпти. Ахир, Ўзбекистон — катта давлат, унинг имкониятлари ҳам улкан. Бизнинг вазифамиз ана шу мавжуд имкониятларни вақтида ишга солишдан иборат.

Бозор иқтисодиётига муваффақиятли ўтиш, айниқса мутахассис кадрларга, уларда янгича дунёқарашни шакллантиришга кўп жиҳатдан боғлиқ,— деди сўзида Президент. — Агар биз етук мутахассисларга эга бўлмас эканмиз, кўзлаган мақсадимизга эриша олмаймиз. Буни мен сизларга бутун масъулиятни ҳис қилган ҳолда айтяпман. Ҳозир бизда бозор иқтисодиёти масаласини яхши тушунадиган мутахассислар етарли эмас. Бозор шаронтида иқтисодиётни ҳар томонлама тушуниб, бемалол ишлай оладиган, келажакка интилувчи мутахассисларни биз қаердан топишимиз мумкин? Улар йўқ эмас—бор, албатта. Фақат бундай кишиларни излашимиз, уларнинг ақл-заковати, имкониятидан фойдаланишимиз керак. Агар биз шундай одамларни топиб, жойга қўйсак, ишончим комилки, улар юртимиз учун кўплаб чет эл сармояларини етказиб беради. Бундай одамлар Ўзбекистоннинг ҳақиқий ватанпарвари, фидойилари бўлади.

Мажлисда ёшлар тарбиясига эътибор жалб этилди. Бу борадаги ишларни мувофиқлаштирувчи муайян тизим ишлаб чиқиш кераклиги айтилди.

Шундан сўнг давлатимиз бошлиғи ер участкалари, уларни хусусийлаштириш масаласига алоҳида тўхталди.

— Ерга эгалик ҳуқуқини узил-кесил ҳал қилиш керак,— деди Президент.— Ерни сотиб олган одам унинг ҳақиқий эгаси ҳисобланади. Шундай экан, у ўз ерининг умрбод хўжайини бўлади. Буни у дилдан ҳис этиши керак. Ер эгасининг розилигисиз унинг мулкини тортиб олишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бу масалани тезроқ ҳал қилиш даркор. Биринчи навбатда ерга эгалик қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилиши, бу борада тегишли қонун ишлаб чиқилиши зарур.

Президент мажлисда бозор муносабатларини шакллантиришнинг дастлабки қуртаклари — банклар, суғурта компаниялари фаолияти, шунингдек, кредит, нарх-наво каби муҳим масалаларга ҳам алоҳида тўхталди.

Ислом Каримов республика Марказий банки, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва Тижорат банклари иш услубида расмиятчилиқ, ортиқча ҳужжатбозлик, айниқса тўрачилик ва таъмагирлик ҳоллари мавжудлигини кескин танқид қилди. Тизим ходимларини янгича, давр билан ҳамнафас бўлиб, меҳнаткашлар манфаатини кўзлаб иш юритишга даъват этди.

— Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотнинг янги даврига қадам қўйди. Бу босқичнинг асосий жиҳатлари нималардан иборат? — деди Президент. — Илгари кўпроқ бозор муносабатларини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш билан шуғулланган бўлсак, энди амалий ишга ўтиш пайти келди. Унинг асосини эса давлат мулкини чинакам маънода хусусийлаштириш, кўп тармоқли иқтисодиётни шакллантириш, яна бир муҳим жиҳати — чет эл сармоясини кўпроқ жалб қилиш ва ундан унумли фойдаланиш ташкил этади. Мана шу учта вазифани муваффақиятли амалга ошира олсак, ишга ташаббускорлик билан ёндашсак, бу йўлдаги тўсиқлардан тезроқ қутулсак, Ватанимизнинг иқтисодий мустақиллиги йўлида яна бир залворли қадам ташлаган бўламиз.

Мажлисда Республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари М. Умурзоқов, Т. Алимов, А. Азизхўжаев, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси — Президент девонининг назорат инспекцияси раҳбари М. Мирқосимов қатнашди.

(ЎзА).

ИЙДИ РАМАЗОН МУБОРАК БЎЛСИН!



Муқаддас знёратгоҳ.

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим.

Азиз юртдошлар, мўъмин мусулмонлар!

Юртимиз фуқароларини, барча мусулмонларни муқаддас Рамазон ҳайити билан самимий муборакбод этамиз.

Бу кун беҳад шарофатли ва саодатли бир айёмдир. Инсонни руҳий камолат ва адолатга, поклик ва меҳр-оқибатга, маънавий юксакликка мушарраф этгувчи муборак Рамазон ҳайитини ҳаммамиз бир бўлиб — муборак истиқлол шароитида ва юртимизнинг комил раҳбарияти бошчилигида умумхалқ шодиёнаси сифатида нишонламоқдамизки, бунинг учун тангри таолога чексиз шукроналар айтмоғимиз фарз.

Оллоҳ таолонинг буюк иноятн ила қадим аждодларимиз тафаккури ислом нури билан мунаввар бўлган эди. Донишманд ва заҳматкаш халқимиз бу муборак илоҳий таълимотни ҳар томонлама ўрганибгина қолмай, унинг ривожи ва тараққиётига оламшумул ҳисса ҳам қўшди. Имом Бухорий, имом Термизий, Хожа Аҳмад Яссавий, Бурхониддин ал-Марғилоний, Хожа Баҳоваддин Нақшбанд, Хожа Аҳрори Валий сингари улуғ руҳоний боболаримизнинг номлари бутун мусулмон дунёсида, жаҳон маданий оламида машҳур, азиз ва мукаррамдир.

Ана шундай зоти шарифларнинг маънавий ворислари бўлмиш биз — Ўзбекистон халқи шу боис ҳам Рамазон ҳайитини алоҳида ифтихор ва шоду ҳуррамлик билан байрам қилишга ҳақлидирмиз. Бу байрам, аввало, одамизот қалбида ниёмон, меҳр-муҳаббат, мурувват, шафқат ва ҳамият каби эзгу ва ноёб инсоний туйғуларнинг беқиёс бир намойиши экани билан ҳам эътиборга молик.

Биз барчамиз баҳамжиҳат бўлиб, Ватанимиз — севикли Ўзбекистонда тинчлик, дўстлик, одамийлик, миллатлар тенглиги ва иноқлиги, катталарга иззат, кичикларга шафқат устивор бўлган жамият барпо этишга бел боғлаганмиз. Турмушимизни ҳар жиҳатдан кўркам ва нурафшон этишда, ёш наслимизни ҳалол ва меҳнатсевар, фозил ва ватанпарвар инсонлар қилиб камол топтиришда, иймон заволи бўлган жаҳолат ва бидъатни, кибру ҳавою нафс балосини енгиб ўтишда дин аҳлининг, оқил уламоларнинг доно ўгитлари, илму ҳикматга йўғрилган тарбиялари айниқса бемисил аҳамият касб этади. Зеро, динимиз ҳар бир инсонни бу дунёда фақат савобли амаллар қилишга ва шу тариқа охират дунёсини обод этишга ўргатади.

Қадрли биродарлар! Муҳтарам юртдошлар!

Қутлуғ Рамазон кунларида ўтганлар руҳини ёдга олиш, уларнинг яхши фазилатларини хотирлаш халқимизнинг эзгу одатидир. Барча ўтган инсонларнинг охиратлари обод, иймонлари саломат бўлсин, қолган бандаларни Оллоҳ таоло ёрлақасин.

Юртимизда тинчлик-тотувлик, ҳонадонларимизда бахту саодат, файзу барокот доимо барқарор бўлсин!

Муфтий Хожи МУХТОРХОН АБДУЛЛОҲ ўғли.

(Ийди рамазон ҳайитига бағишланган мақолаларни тўртинчи саҳифада ўқийсиз).

РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ КЕНГАШИДА УЧРАШУВ

Республикамизда меҳмон бўлиб турган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши парламент ассамблеяси делегацияси аъзолари 11 март куни Ўзбекистон Олий Кенгашида бўлдилар. Меҳмонлар халқаро ишлар қўмитаси раиси П. Ҳабибуллаев, саноат, қурилиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш қўмитасининг раиси Ф. Нажмиддинов, марказий сайлов комиссиясининг раиси Қ. Аҳмедов билан учрашдилар.

Суҳбат чоғида парламентлараро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, ўзаро тажриба алмашиш, Ўзбекистон билан Европа мамлакатлари ўртасида ўзаро манфаатли муносабатларни кенгайтириш хусусида фикрлашиб олинди.

(ЎзА).

ТАЛАБЧАНЛИК МАСЪУЛИЯТНИ ОШИРАДИ

Жиззах вилояти фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда Президент Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 18 февралдаги йиғилишида ўртага қўйган вазифалар асосида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштириш, фермер ва деҳқон хўжаликларини янада ривожлантириш вазифалари муҳокама этилди. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А. Соатов шу ҳақда маъруза қилди.

Сўзга чиққанлар вилоятдаги 850 дан кўпроқ фермер хўжалиги ўтган йили 445 тонна гўшт, 2830 тонна сут, 20 тонна жун, 791 дона қоракўл тери, 1,5 минг тонна картошка ва сабзавот етиштиргани, қўшма корхоналар 1 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, 17 миллиард сўмлик маиший хизмат кўрсатганини таъкидлаш билан бирга, кўпгина ҳолларда деҳқон (фермер) хўжаликлари ҳамон турли тўсиқларга дуч келаётгани, уларга ёрдам кўрсатишда сансалорликка йўл қўйилаётгани ҳақида гапирдилар. Йиғилишда барча жабҳа раҳбарлари масъулиятни ошириш, етук кадрларни танлаш, жой-жойига қўйишда талабчанлик етишмаётгани айтилди. Зеро, талабчанлик масъулиятни оширади.

Йиғилишда республика Бош вазири А. Муталов нутқ сўзлади.

* * *

Йиғилиш қатнашчилари бу ерда ташкил этилган кичик ва қўшма корхоналар, деҳқон (фермер) хўжаликлари ҳамда хусусий фирмалар маҳсулотлари кўргазмасида бўлдилар. Бош вазир А. Муталов кўргазмадан жой олган хилма-хил истеъмол моллари, халқ ҳунармандчилиги маҳсулотларини кўздан кечирар экан, вилоят тадбиркорлари ва ишбилармонлари фаолиятига юқори баҳо берди.

(ЎзА).

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ислом Каримов 11 март куни Франциянинг Ўзбекистон билан алоқалар бўйича миллий кенгаши президенти, Франция тадбиркорлари миллий кенгаши вице-президенти Филип Жискар д'Эстен бошчилигидаги ишбилармонларни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Франция билан Ўзбекистон ишбилармонлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг йирик режалари ишлаб чиқилаётгани, нефтни қайта ишлаш, қурилиш, банк ишлари соҳасида ҳамкорлик қилишнинг истиқболлари хусусида сўзлади.

— Ўзбек ишбилармонларининг француз ҳамкасблари билан яқин муносабатларни йўлга қўйишга иштиёқи баланд, — деди Ислом Каримов. — Биз Франция Президенти Франсуа Миттеран жанобларининг юртимизга сафари арафасидаги сизнинг ташрифингизни юқори баҳолаймиз.

Ф. Жискар д'Эстен Ўзбекистон Республикаси Президентининг Францияга сафаридан сўнг французларнинг Ислом Каримов қўллаётган сиёсатга нисбатан муносабатида катта ижобий ўзгаришлар юз берганини таъкидлади.

— Ўзбекистон танлаган омилкор иқтисодий ислоҳот йўли, албатта, муваффақият гаровидир, — деди меҳмон.

Қабул маросимида Франция билан ҳамкорлик масалалари бўйича муассасаларо комиссия мутасаддилари — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ў. Султонов, Қ. Ҳаққулов, К. Тўлаганов ва республика миллий банки раиси Р. Азимов қатнашди.

Маросимда, шунингдек, Франция Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Жан Поль Везиан ҳозир бўлди.

(ЎзА).

ШАҲАР БИЛАН ҚИШЛОҚ ҲАМКОРЛИГИ

Тошкент шаҳар фаоллари йиғилиши бўлди. Унда Президентимиз Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 18 февралда бўлиб ўтган йиғилишида сўзлаган нутқида баён қилинган хулосалар асосида шаҳар меҳнаткашлари олдида турган вазифалар муҳокама этилди. Шаҳар ҳокими А. Фозилбеков шу ҳақда маъруза қилди.

Маърузачи ва сўзга чиққанлар шаҳар билан қишлоқ ўртасида чинакам ҳамкорликни йўлга қўйиш, иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, деҳқонларга яқиндан ёрдам бериш, шаҳардаги машинасозлик корхоналарида деҳқон (фермер) хўжаликлари учун машина ва ускуналар ишлаб чиқариш зарурлиги ҳақида гапирди. Аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш мақсадида «Тошкентширкатбозорсавдо»га қарашли дўконларда мева-сабзавот савдосини янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сақланадиган улгуржи харид базалари ва омборлар қуриш кераклиги таъкидланди.

Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков йиғилишда нутқ сўзлади.

Йиғилишда Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов қатнашди.

(ЎзА).

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИГА ЭЪТИБОР

Президентимиз Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 18 февралдаги мажлисида қишлоқда иқтисодий ислоҳотни амалга оширишни такомиллаштириш, чорвачилик ва фермер хўжаликларига зарур шарт-шароит яратиб бериш вазифасини қўйди.

Хўш, Сурхондарё вилоятида бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда? Вилоят фаолларининг йиғилиши ана шу масалага бағишланди.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Т. Раҳмоновнинг маърузасида ва сўзга чиққанларнинг нутқларида деҳқончилик ҳамда чорвачиликдаги ишлар атрофлича таҳлил этилди, ислоҳотни кенгайтириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, деҳқон (фермер) хўжаликларини ташкил этиш, деҳқончилик самарадорлигини ошириш имкониятларидан етарли фойдаланилмаётганига эътибор қаратилди.

Йиғилишда республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков сўзга чиқди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ СИЁСИЙ ИЖРОҚЎМИДА

Хабар берганимиздек, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми ўз мажлисида «Фарғона вилоят партия ташкилотларининг Ўзбекистон Халқ демократик партияси Миллий истиқлол мафкурасини тарғиб қилиш ва рўёбга чиқариш бўйича фаолияти тўғрисида»ги масалани кўриб чиқиб, тегишли қарор қабул қилган эди. Қуйида мазкур қарорнинг баёнини эълон қилмоқдамиз.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШ ВА РЎЁБГА ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА

Қарорда кўрсатилганидек, Фарғона вилояти партия ташкилотлари Ўзбекистон ХДП Миллий истиқлол мафкурасини аҳоли ўртасида тарғиб қилиш ва рўёбга чиқариш борасида ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. Вилоят, шаҳар ва туман партия кенгашлари Марказий Кенгаш IX пленумининг шу соҳадаги қарори асосида ўз вазифаларини белгилаб, аниқ режалар ишлаб чиқдилар. Партия кенгашлари ва бошланғич партия ташкилотлари котибларининг семинар-кенгашлари, тарғиботчи ва фаолларнинг илмий-амалий анжуман, давра суҳбатлари уюштирилди. Ўзбекистон зиёлилари уюшмаси маҳаллий ташкилоти билан биргаликда мафкуравий дастуримизни оммалаштиришга бағишланган эйлик эълон қилиб, унинг давомида Ўзбекистон ХДП Миллий истиқлол мафкурасининг мазмуни ва моҳияти аҳолига тушунтирилмоқда. Корхона, ташкилот, ўқув юртлари ва маҳаллаларда ўтказилган учрашувларда Ўзбекистон ХДП Миллий истиқлол мафкураси партиямиз Раиси, республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг даъватига жавобан Марказий Кенгаш томонидан бутун партия иштирокида ишлаб чиқилганлиги тўғрисида гапирилмоқда. Шунингдек, теран фикрли, талабчан, синчков, кўпни кўрган кишилар бу хайрли ишда халқимизнинг қадимий тарихи, бой маънавий мероси, Шарқ фалсафаси, ислом маданияти, миллий ва умуминсоний қадриятларга, Ўзбекистон Конституцияси ва юртбошимизнинг халқимизнинг эзгу ниятлари акс эттирилган шу ҳақдаги йўл-йўриқларига таянилганлиги, партиямизнинг мафкуравий ҳужжати равон ва жонли тилда ёзилганлигини қайд этмоқдалар.

Вилоят партия ташкилотлари Ўзбекистон ХДП Миллий истиқлол мафкурасини ҳаётга татбиқ этиш давлат идоралари, халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилаётган партиямиз аъзоларининг тайёргарлигига, уларнинг бу масала билан астойдил шуғулланишларига боғлиқ эканлигини ҳисобга олиб, раҳбар ходимлар, зиёлилар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, оқсоқоллар билан ишлашни кучайтирмоқдалар. Жумладан, ҳокимликлар билан ҳамкорликда барча даражадаги раҳбар ходимларнинг сиёсий ўқувлари ташкил қилинди. Уларнинг иштирокида мулоқот кунлари мунтазам ўтказилмоқда, ўқув юртларининг раҳбарлари, болалар боғчаларининг мудирлари, ўқитувчи ва тарбиячилар билан маслаҳат кенгашлари бўлиб ўтди.

Наврўз, Мустақиллик куни, бошқа умумдавлат ва касб байрамлари, халқ сайлари, буюк алломалар Алишер Навоий, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Заҳириддин Бобур, Мирзо Улуғбек, Нодирабегим ва соҳибқирон Амир Темурга бағишланган тантаналар, адабий-мусиқий кеча ва кўриклар, иқтидорли ёшлар танловлари меҳр-мурувват тадбирларини ўтказишда хотинқизлар, ёшлар, фахрийлар, ногиронлар ташкилотлари, «Маҳалла» ҳамда «Меҳр-мурувват ва саломатлик» жамғармалари бўлинмалари билан партия ташкилотларининг ҳамкорлик қилиши ҳам яхши самара бермоқда.

Сиёсий ижроқўм Ўзбекистон ХДП Миллий истиқлол мафкурасини тарғиб қилиш ва рўёбга чиқариш борасида Фарғона вилоят партия ташкилотлари олиб бораётган ишларни асосан ижобий баҳолаб, партия кенгашлари ва бошланғич партия ташкилотларининг эътиборини мавжуд жузъий камчиликларни тезроқ бартараф этиш, фойдаланилмаган имкониятларни ишга солишга қаратди.

Қарорда Ўзбекистон ХДП Миллий истиқлол мафкурасини оммалаштириш ва ҳаётга татбиқ этиш мураккаб ва узоқ муддатли жараён эканлигини ҳисобга олиб, барча даражадаги партия кенгашлари, бошланғич партия ташкилотларига тарғибот ва ташвиқот ишларини мазкур ҳужжатнинг асосий йўналишлари ўзанларида олиб бориш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига бўлажак сайловларга тайёргарлик билан уйғунлаштириш тавсия этилди. Хусусан, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир Президентимиз Фармонлари моҳиятини ҳар бир фуқарога тушунтириш, одамларимизда янги иқтисодий тафаккурни, ишбилармонлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик фазилатларини шакллантиришга кўмаклашиш масъулиятли вазифадир. Мафкуравий ишни давр талаби, маҳаллий шарт-шароит ва миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш, унинг моддий асосларини мустаҳкамлаш, тарғиботчи ва ташвиқотчилар тўғрисида ғамхўрликни кучайтириш — оммавий сиёсий тадбирлар самарадорлигини оширишнинг асосий омиллари эканлиги қарорда таъкидланади.

ТАЖРИБА АЛМАШМОҚДАЛАР

Андижон шаҳар партия кенгаши биринчи ва иккинчи котиблари Зулфия Шокирова, Муталлибжон Нуриддинов ҳамда бошқа масъул ходимлар, бошланғич партия ташкилотларининг котиблари тажриба алмашиш мақсадида ХДП Наманган шаҳар кенгашида бўлишди.

Ўзаро суҳбатда вилоят партия кенгашининг биринчи котиби А. Фаёзов партия ташкилотларида олиб борилаётган ишлар, хусусан, шаҳар кенгаши фаолиятидаги ижобий ўзгаришларга батафсил тўхталди.

Шундан сўнг меҳмонлар бир неча ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларида бўлдилар. Наманган вилоят жамоалараро кенгаши бошланғич партия ташкилотида олиб борилаётган ишлар меҳмонларга маълум бўлди. Корхона раҳбари Зокиржон Расулов, бошланғич партия ташкилоти котиби Юсуфжон Рақабовлар бугунги ва келажакдаги ишлари тўғрисида сўзлаб бердилар.

— Ҳар бир партия аъзосининг сиёсий жиҳатдан етуклигини таъминлаш мақсадида турли ижтимоий-сиёсий тадбирлар ўтказиб борямиз, — деди З. Расулов, — Яқинда ишчи-хизматчилар билан Миллий истиқлол мафкураси хусусида давра суҳбати ўтказдик. Айниқса, ундаги одоб-ахлоқ, тўғрилик, диёнат, ҳалолликка чорловчи умуминсоний ғояларни барча қўллаб-қувватлади. Бир сўз билан айтганда, Миллий истиқлол мафкураси партия томонидан ишлаб чиқилганлиги унинг мавқеининг халқ орасида кўтарилишига сабаб бўлмоқда.

Наманган шойи ишлаб чиқариш бирлашмасида эса бирлашма директори, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзоси Абдурашид Убайдуллаев партия сафлари кундан-кунга ўсиб боравётганлиги, шу боисдан ҳам бошланғич партия ташкилоти катта кучга айланиб, кадрлар сиёсатига алоҳида эътибор берилаётганлигини таъкидлади.

Тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида эса партиявий ишлар, хусусан, партия ташкилоти ҳонасининг жиҳозланиши меҳмонлар эътиборини тортди. Котиба Мадинахон Тўхтабоева, бирлашма бош муҳандиси Муяссархон Хусанова янги ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари билан таништирди. Меҳмонлар 2-автокорхона, кўп тармоқли вилоят болалар шифохонасида ҳам бўлиб, бошланғич партия ташкилотлари ишларини юқори баҳоладилар.

Жамолхон БОҚИЕВ,
ХДП Наманган шаҳар кенгаши масъул ходими.

• ЎзХДП Марказий Кенгаши IX пленуми қарорлари ҳаётга!

Ҳар қандай ғоя, у қанча эзгу бўлмасин, ҳаёт чашмасидан қувват олмаса узоқ яшамайди. Шу маънода партиямиз яратган Миллий истиқлол мафкураси, аввало, халқимизнинг бой ҳаётий тажрибаси замминда вужудга келганлиги эътиборга моликдир. Таҳririятимизга ташриф буюрган партиядошларимиздан бири: «Бу мафкуранинг ҳар сатрида ҳаёт нафаси уфуриб турибди» деганда нақадар ҳақ эди. Зеро, шундай бўлиши табиийдир. Негаки, Миллий истиқлол мафкураси барча партия ташкилотларида, меҳнат жамоаларида мисқолма-мисқол яратилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида туман ва шаҳар кенгашлари биринчи котибларининг ўқув машғулоти қатнашчилари Миллий истиқлол мафкурасини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан давра суҳбати ўтказдилар.



МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИ: ДАДИЛ ОДИМЛАР, ЯНГИ ВАЗИФАЛАР

Уни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши матбуот, ахборот ва тарғибот бўлими мудири, фалсафа фанлари номзоди Зиёд Давронов бошқариб, шундай деди:

— Сизларга маълумки, юртбошимиз И. А. Каримов Миллий истиқлол мафкурасини яратиш кераклиги тўғрисида гапирганди. Шундан сўнг, газеталаримизда, радио, телевидениеда мулоқотлар бўлди. Партиямиз-Марказий Кенгаши пленуми мафкура лойиҳасини ишлаб чиқиб, партия муҳокамасига киритди. IX пленум партиямиз Миллий истиқлол мафкурасини дастуриламал сифатида қабул қилди. Бу мафкурага қизиқиш жўда катталиги сизларга аён. Эндиликда, бизнинг вазифамиз тарғибот ишларида тўпланган ижобий тажрибаларимизни ишга солиш билан боғлиқ бўлади. Бу муҳим масалага ўта жиддий киришиб, амалий фаолиятимизни кучайтиришимиз керак. Айни пайтда бу масала кун тартибида доимий туриши, мавсумий тус олмасдан, доимий ҳаракатда бўлиши лозим.

Мафкурани тарғиб қилишда турли мулоқотлардан, тадбирлардан, маҳаллий оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишимиз зарур. Сизлар бошчилигингизда маҳаллий бошланғич партия ташкилотларида махсус тадбирлар ишлаб чиқилса айни муддао бўлур эди.

Бугунги давра суҳбатимизда партиямизнинг IX пленуми қарорларини ҳаётга татбиқ этиш борасида, айнан Миллий истиқлол мафкурасини халқимиз онгига сингдириш юзасидан қандай ишлар олиб борилаётгани ҳақида ўртоқлашсангиз. Тажриба алмашсак, бу кейинги ишларимиз учун фойдали бўлади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар ўтказиш арафасидаги тадбирлардан фойдаланиб, оммага яқинлашсак, тарғибот ишларимиз самарали бўлади, деб ўйлайман. Мафкурани яратиш мураккаб, уни ҳаётга татбиқ этиш ундан ҳам мураккаб, аммо шарафли ишдир.

Шундай экан, мафкурамизнинг татбиқ этилиши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар арафасида, айниқса, долзарб аҳамият касб этади.

Пойариқ тумани партия кенгашининг биринчи котиби Фармон ХЎЖАНАФАСОВ:

— Биз туманимизда Миллий истиқлол мафкурасини маҳаллалардаги тадбирлар билан бирга жорий этишга эътиборни қаратяпмиз. Туман кенгашида мафкура юзасидан кўргазмали воситаларни кенг ишга соляпмиз. Шу муносабат билан бир мулоҳазани айтмоқчи эдим. Илгари ягона сиёсий кун деган тадбир бўларди. Республика, вилоят миқёсидаги раҳбарлар меҳнат жамоаларида, бошланғич ташкилотларда бўлишиб, етилган масалалар бўйича мулоқот қилишар, муаммоларни жойларнинг ўзида ҳал қилишарди. Хўш, бунинг нимаси ёмон эди? Менимча, шу тажрибани тиклаш керак.

Пахтакор тумани партия кенгашининг биринчи котиби Қувондиқ ЎРОЛОВ:

— Туманимизда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг IX пленумида қабул қилинган Миллий истиқлол мафкурасини ҳаётга татбиқ этиш учун алоҳида ўқув курси очилди. У муайян бир дастурга эга. Шу дастур асосида жойларда кўпгина тадбирлар уюштириб, кенг оммага Миллий истиқлол мафкураси ғояларини етказишга ҳаракат қилинмоқда. Туман партия кенгаши ҳузуридаги мазкур ўқув курси дарслари 21 соатга мўлжалланган. Ҳозирча тингловчилар бу ўқувнинг ниҳоятда фойдали бўлаётгани ҳамда жойларда мафкурамиздан келиб чиқиб қилинаётган амалий ишлардан қониқиш ҳосил қилинаётганлигини таъкидлашмоқда.

Ромитан тумани партия кенгашининг биринчи котиби Олим ҲАМИДОВ:

— Бизда ҳам партиямизнинг Миллий истиқлол мафкурасини кишилар онгига сингдириш, унда кўрсатилган: «Юксак маънавият — миллий равнақимизнинг бош омили» эканлигини ҳис қилиб халқимизнинг маънавиятини бойитиш йўлида 25 нафар кишидан иборат ташвиқот гуруҳи тузилди. Улар нафақат мафкурамиз, балки Олий Мажлисга сайловларга тайёргарлик кўриш ҳақида, сайловда халқимиз ишончини оқлай оладиган номзодларни кўрсатишни билиш каби кўплаб маърузалар қилиб кишиларни қизиқтирган саволларга аниқ жавоб бермоқдалар.

Ўзбекистон ХДП МК ўқув марказининг директори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими Раҳим ТУРСУНОВ:

— Ҳозирги мафкурамизнинг аввалги мафкурадан фарқи катта. Биз янги жамиятга ўтаётган эканмиз, мафкурамиз ҳам янгиланиши керак, албатта. Лекин мавжуд мафкура ҳам қотиб қолган, ўзгармас нарса эмас. Эҳтимол, мафкура учун партиялар, гуруҳлар ўртасида курашлар ҳам бўлиши мумкин.

Яқинда шу даргоҳда Тошкент шаҳридаги маҳалла оқсоқолларининг ўқувини ўтказдик. Чунки, маҳалла фаоллари эндиликда халқимизнинг бугунги кайфиятини яқол ифодалайдилар. Ҳозирги оқсоқоллар илгариги фақат масжидга кириб чиқадиган қариялардан фарқ қилиб, улар фаол кишилардир. Мен уларга машғулот давомида бир мисол орқали ҳозирги мафкурамизни тушунтирдим. Яъни, ўқувга келган маҳалла оқсоқоллари бемалол ўз вақтида намоз ўқиш имкониятига эга бўлдилар. Шу ернинг ўзида шароит яратиб бердик. Айтингларчи, илгариги мафкурада намоз ҳақида гапириб бўлармиди, деганимда ҳамма менинг фикримга қўшилди.

Менинг назаримда, бугун партия котиблари ҳам иқтисодчи, ҳам ҳуқуқшунос, ҳам сиёсий арбоб бўлишлари керак. Яқинда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг иккита муҳим қарори эълон қилинди. Хўш, уларни амалга оширишда партия котиблари пешқадам бўлишлари керак эмасми?! Бугунги давра суҳбати иштирокчилари Ўрта Чирчиқ туманидаги Ким Пен Хва номидаги корпорацияда, Тошкент туманидаги Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли жамоа хўжалигида бўлишди. Ўзларингиз кўрдиларингиз, ҳар иккала жамоада ишлаб чиқариш намунали йўлга қўйилган. Бу жамоаларга одамлар танлов асосида аъзо бўлишади. Лекин бундай хўжаликлар республикамизда саноқли эканлиги ҳаммамизни ўйлантиради.

Мирзачўл тумани партия кенгашининг биринчи котиби Журсинбек СУЛЕЙМАНОВ:

— Туманимиз меҳнаткашлари чўл шароитида яхши натижаларга эришиб келмоқда, Албатта, туман партия кенгаши фаоллари ҳам бу борада, шунингдек, юртбошимиз Фармонларини, партия қарорларини оммага етказишда ишга изчил ёндошяпти. «Сиёсий клуб» ишлаб турибди. Унинг асосий вазифаси Президентимиз Фармонлари ва нутқларидан келиб чиқиб, иш олиб бориш. Клуб аъзоларининг иш дастурига Миллий истиқлол мафкураси ҳам қўшилди. Ҳозир шу асосда жойларда турли тадбирлар бўлиб ўтяпти. Унда зиёлилар, маориф ходимлари, раҳбар партия фаоллари иштирок этмоқдалар.

Туманимиздан 240 нафар талаба Тошкент шаҳрида таҳсил олмоқда. Уларнинг оилавий аҳволини ўрганиб чиқдик. Шунда 43 нафари кўп болали, ночор оиладан эканлиги маълум бўлди. Туман партия кенгаши ҳисобидан уларга қўшимча моддий ёрдам берилмоқда.

Деҳқонобод тумани партия кенгашининг биринчи котиби Ҳасан ЭШМУРОДОВ:

— Биз ҳам фаолиятимизда аҳолини ижтимоий ҳимоялашни бош вазифа, деб биламиз. Туман кенгаши ташаббуси билан кўп фарзандли оилалар, партия фахрийлари юбилейлари, фахрийликка кузатиш тўйлари ўтказилмоқда. Миллий истиқлол мафкурасида айтилганидек, «Инсоний муносабатлар маданиятини ошириш»ни, Президентимизнинг ички ва ташқи сиёсатда олиб бораётган муҳим ва одил ишлари, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги вазифалар тўғрисида туман партия кенгаши мунтазам иш олиб боряпти. Кўпроқ омма орасида бўлишга ҳаракат қиляпмиз.

Оқолтин тумани партия кенгашининг биринчи котиби Норбой ЖОИНАҚОВ:

— Туман партия кенгаши чорвачиликни оталиққа олган. Афсуски, ҳали кўпгина муаммолар бор. Чорвачилик соҳасида ҳам мулкчиликнинг янги шаклига ўтиш борасида амалий ишлар олиб боряпмиз. Туманимизда ҳашар ўтказиб, ундан тушган маблағни аҳолини ижтимоий ҳимоялашга сарфламоқчимиз.

Миллий истиқлол мафкурасига келсак, у илгариги мафкурадан тубдан фарқ қилади. Аввалги мафкуранинг қанчалик пишиқ эмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Янги мафкурамизнинг ҳаётийлиги, миллийлигини жойларда ўтказилаётган йиғилишларда кишилар таъкидлашяпти. Албатта, мафкурамиз яна замон талабларига мос бўлиб бойиб бораверади, деб ўйлаймиз.

Тахиатош шаҳар партия кенгашининг котиби Дадабой ДУРДИЕВ:

— Ўзбекистон ХДП қарорларидан келиб чиқиб, партиямиз Дастури ва Низоми асосида иш олиб боряпмиз. Туман партия кенгаши томонидан аълочи ўқувчиларга икки минг сўмдан стипендия ташкил этганмиз. Буни кўпчилик қўллаб-қувватлади. Ҳозир ўқувчиларнинг ўқишга бўлган муносабати кескин ўзгарди, десак муболаға бўлмас. Негаки, аълочилар сафи ўсиб боряпти.

Албатта, Миллий истиқлол мафкурасини ҳаётга татбиқ этиш ҳам иш дастуримизда асосий ўринни эгаллайди. Бу борада кўпгина амалий ишлар қилиняпти.

Жарқўрғон тумани партия кенгашининг биринчи котиби Жўра ЭРГАШЕВ:

— Миллий истиқлол мафкурасида миллий қадриятларимиз, анъаналаримизга кенг ўрин берилган. Кейинги пайтда марҳумларни хотирлашга эътибор кучайтириляпти, тўй ва бошқа маросимларни ўз анъаналаримиздан келиб чиқиб ўтказишда партия фаолларимиз жонбозлик кўрсатишяпти.

ХУЛОСА ЎРНИДА: Миллий истиқлол мафкурасини ҳаётга татбиқ этишга бағишланган давра суҳбатида шунингдек, Сўх, Шовот туманлари, Хонобод шаҳар партия кенгашларининг биринчи котиблари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини, таклиф ва истакларини билдиришди. Суҳбатда шу нарса маълум бўлдики, Ўзбекистон ХДП «Миллий истиқлол мафкураси»нинг ҳаётга татбиқ этилаётгани яна бир катта қадам ташланганлигидан далолатдир. Демак, дадил одимлар, янги вазифалардан келиб чиққан ҳолда ишлаш — давр талаби.

Суҳбатни «Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбирлари Шуҳрат ЖАББОРОВ ва Эркин ЭСИРГАДИЕВлар ёзиб олди.

А. ТУРАЕВ олган суратлар.

• ИСЛОҲОТ ВА ОДАМЛАР

ЮЗТА ВАЪЗХОНЛИКДАН БИТТА ЖОНБОЗЛИК ЯХШИ

Ҳозирги пайтда халқ хўжалигининг қайси соҳасида бўлмасин — содир бўлаётган кичик янгилик ҳам алоҳида эътиборга лойиқдир. Чунки мустақил давлатимизнинг иқтисодий қудратини, халқимиз дастурхонининг беками-кўстлигини кўп жиҳатдан ана шу янгиликларнинг оммалашувидан ҳосил бўладиган пировард натижалар ҳал қилади. Зотан, ишлаб чиқаришни ташкил этишда мулкчиликка бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда қўлга киритилган ютуқлар туб ислоҳотнинг кейинги босқичига ўтишга асос бўлиб хизмат қилади.

Айни пайтда республикамизда ислоҳот йўлига тушиб олишга ҳаракат қилаётган жамоалар сафи кенгаймоқда. Айниқса, юртбошимизнинг «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонидан сўнг бундай ҳаракат янада кучайди.

Қибрай тумани тайёрлов-савдо ширкат бирлашмаси фаолиятини бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Бундан олти йил муқаддам ҳозирги бирлашма идораси ўрни ташландиқ жой эди. Давлат режалари ҳам мунтазам бажарилмасди. Аҳолидан сотиб олинадиган маҳсулот турлари бармоқ билан санарли, ишчи-хизматчилар ойлик маошлари эса жуда паст эди. Ўшанда вилоят тайёрлов комбинати номи билан юритилган бирлашма эндиликда том маънода ўзгариб кетди. Янги раҳбар Абдужаббор Халилов хўжалик юритишнинг янги шаклларига ўтиб ишлаш ва умуман, янгилик яратиш иштиёқмандларидан эканлигини амалда кўрсатди. Яхши ният — ёрти мол, деганларидек, қатор эзгу ишларга қўл урилди. Йўллар асфальт қилинди. Канализация қувурлари Чирчиқ шаҳар тармоғига уланди. 14 километрли масофадан тортиб келинган табиий газ қозонхонанинг узлуксиз ишлашини таъминлади. 1600 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сақланадиган совуқхона тўла таъмирлангач, аҳолидан маҳсулотлар қабул қилиш ҳажми анча кенгайди.

Қуришни билмаган — яшашни билмайди, деган нақл бекорга айтилмаганлигини янги бошлиқ исботлаб берди. Аҳоли кўз ўнгида қишлоқда саноат ишлаб чиқариши — кичик корхоналар қурилиши авж олиб кетди. Пиёз қуритиш, қандолат, консерва цехлари ишга тушгач бирлашма атрофидаги қишлоқларда беиш юрганларни ижтимоий фойдали меҳнатга тортиш имкони туғилди. Тикувчилик цехининг фойдаланишга топширилиши хотин-қизлар айни муддаоси эди. Бу ерда ҳозирги пайтда маҳаллий хом ашё ҳисобига соатига учта жемпер тўқиладиган соатига учта жемпер тўқиладиган ётир. Бу кўрсаткич йилликка айлантирилганда 4—5 минг рақамини ташкил этади.

Бу борада ҳам Абдужаббор аканинг феълига, ғайратига хос ўзгармас фикри бор:

— Ўқувчи ўғил-қизларга ҳунар ўргатиш, уларга ишониш ва суяниш — энг эзгу ниятим, — дейишни яхши кўради у.

Дарҳақиқат, ҳунардан — унар. Иқтисодий қийинчиликлар ҳукм сураётган айни пайтда ҳам ҳунарманд кишилар яхши яшаш учун кўпгина шароитларга эгадирлар. Ёшларнинг пухта билим олишлари дан ташқари, ижтимоий фойдали касб-кор, ҳунарга ўргатиш доим унинг диққат марказида эканлиги балки ана шундандир. Кулолчилик цехини қуриш ташаббуси билан чиққанда ҳам, балки юқоридаги эзгулик унга тинчлик бермагандир. Ҳозир цех маҳсулотларини аҳоли бажонидил харид қиляпти. Ангрен тупроғидан ясалаётган гултувак, кулдон, лаган, чойнак, пиёла, конфет идиши харидоргир бўлибгина қолмай, айни пайтда бу тадбир ёшларни ота-боболаримиз касби-корига муҳаббат уйғотишда ҳам асқотяпти. Яна бир янгилик — яқинда кулолларнинг изланишлари самараси — фаввора мажмуи яратилди.

— Уларни боғ ҳовлилар, хонадонларда яшовчилар, корхона, идора ва ташкилотлар мутасаддилари сотиб олишлари мумкин, — дейди кулолчилик цехи бошлиғи Асом Орипов, у ихчам ва кўркамлиги, енгил ва қулайлиги билан кўпчиликка манзур бўлаётир. Фаввора бор-йўғи бир ярим квадрат метр жойни ишғол қилади. Унинг йиғма шаклда ишлангани яна бир қулайликдир. Юқоридаги маҳсулотларни айирбошлаш ҳисобига Қозоғистондан дон-дун келтиришга келишиб олинган...

Қардош республикалар билан иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида гап кетганда Абдужаббор акада жонланиш пайдо бўлди.

— Президентимизнинг хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисидаги Фармони жуда кўп тўсиқларни олиб ташлашга имкон яратади, — деди у. — Бизга ўхшаганлар шундай оқилона фармонни муштоқлик билан кутаётган эдик. Мулкчилик муносабатларини йўлга қўйиш ва ривожлантириш республикамиз учун сув билан ҳаводек зарур тадбир эди. Иншоолло, энди бу ёғига ишлар юришиб кетгусидир. Бундан кейин икки баравар кўп ишласак ва давлат, халқ манфаатларига хизмат қиладиган ҳар қандай тадбирни тезроқ ҳаётга татбиқ этсаккина муваффақиятлар кўпайиши аниқ. Аслида, мен четга оз маҳсулот чиқариб, у ердан кўп маҳсулот олиб келиш тарафдориман. Шундай қилинсагина халқимиз эҳтиёжини қондириш муддатлари қисқараверади.

Бирлашма бошқаруви раиси нокамтарликка йўйиб, айтишни лозим топмаган маълумотларни бошқа манбалардан билиб олишга ҳаракат қилдик. Жумладан, бирлашма раҳбарлари ва ишбилармонлари саъй-ҳаракатлари билан қисқа муддатда Россиянинг бир нечта шаҳарлари, Қозоғистон, Молдова, Белорусь, Грузия, Бельгия, Польша, Олмония сингари мамлакатлар билан иқтисодий алоқалар йўлга қўйилгани келажакка яхши умид уйғотаётир. Бу фикрни далиллаш учун қуйидаги мисоллар кифоя қилса керак: сабзавот, полиз маҳсулотлари, ҳўл мева жўнатиш эвазига четдан 12 та йиғма уй, 48 тонна қора чой, вагонлаб олма, картошка ҳамда қурилиш-монтаж материаллари, металл, гилам-поёндозлар, бизда ниҳоятда камёб ҳисобланган карбит ва бошқа маҳсулотлар олиб келинди.

Бирлашма фаолияти ҳусусида гап кетганда биронта одам унга нисбатан ўз муносабатини билдирмасдан қолмагани бизни мамнун этди. Тўғри-да, туман аҳли учун дилга тугилган эзгуликлар бесамара кетмаётганини кўпчилик эътироф этиш қандай яхши! Қибрай тумани партия кенгаши биринчи котиби Раҳматилла Шералиев ҳам бундан мустасно эмасди.

— Бирлашма раҳбарларининг куйди-пишдилиги, инсонийлик фазилатлари, савобталаб ишлари ва тадбиркорлигини туман ҳокимияти ҳамда партия кенгаши қўллаб-қувватлайди, дейди у. — Бошқарув раиси Абдужаббор ака Халилов бирлашма ишчиларига ғамхўрлиги, оталиқдаги мактаб ва ёрдамга муҳтож кишиларга кўмак бериши билан ажралиб туради. Партия кенгашимизни моддий жиҳатдан таъминлашда ҳам ҳеч қачон четда турмайди.

Биз мулоқотда бўлган кишиларнинг мамнуният билан қайд қилишларича, бирлашма ишчиларига маълум вақтларда гўшт, гуруч, олма, картошка бепул бериб борилар экан. Четдан келтирилган ноёб буюмлар эса ўз нархида, яъни қўшимча фоизсиз сотилиши йўлга қўйилган. Жорий йилда ишчилар 13-маош олишди. Тўю-тантана ва бошқа маросимларда маънавий, ҳам моддий ёрдам бериб туради.

Қибрай шаҳарчасида яшовчи Баҳром Абдусаломовнинг айтишича, янги йил арафасида туман марказий бозорида бирлашма ташаббуси билан уюштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари карвонидан кўпчилик мамнун бўлган.

— Меҳмонбоп олма харид қилишим керак эди, — дейди у, — бозорда қип-қизил — кўзни оладиган олма 10 минг сўмдан сотилаётганди. Карвон келгач, худди шундай олмани 2 минг сўмдан олдим...

Бу гап бежиз эмас экан. Қозоғистондан келтирилган 200 тонна гуруч ҳам ташкилот, корхоналарга бир килоси 890 сўмдан тарқатилибди. Бошқа маҳсулотлар ҳам шу йўсинда арзон сотилар экан. Бундан ташқари, Қибрайдаги замонавий марказий бозор қурилишига ҳам бирлашма 151 миллион сўм сарфлаганини, ширкат раҳбарларининг кўпгина савобталаб юмушларини гапириб беришди. Жумладан, Қизилкўприк маҳалласида яшовчи уруш ногирони Жумаш Қорабоев, фахрий ўқитувчи Комил Ортиқовлар ҳар ойда бирлашма ҳисобидан 20 минг сўмдан пул, озиқ-овқат маҳсулотлари олиб туришибди. Оталиқдаги 17-ўрта мактабнинг иқтидорли ўн нафар ўқувчисига ойига 5 минг сўмдан стипендия таъсис этилган. Ўтган йил ана шу мактабни таъмирлашга 1 миллион сўм ўтказилди. Ўқувчилар ошхонаси шу ерда ишлаб чиқарилган идиш-товоқлар билан таъминланди.

Абдужаббор ака ҳаётда кўп қийинчиликлар кўргани учунми, ҳар ҳолда рўзғори ночор кишилар тўғрисида эшитиб қолса, юраги эзилади. Дарров ҳларга ёрдам қўлини чўзади. Туман марказидаги Маннонов кўчасида истиқомат қилувчи, қаровчиси йўқ Гулбуви Абдурасулова аҳволидан хабар топгач ҳам шундай бўлди. Унга 90 минг сўм элтиб берди. Хаста кўнглини кўтарди. Рўзғорига қарашиб туришни бўйнига олди. Ҳозир уй-жойи таъмирланяпти.

Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов тайёрлов идоралари ишига ҳам жиддий баҳо бериб, аксарият тайёрловчилар савдогарчиликка берилиб кетиб, аҳоли талаб-эҳтиёжига бепарво муносабатда бўлаётганликларини таъкидлади. Бу ҳаётий гап. Бироқ кўпчиликнинг эътироф этишича, Абдужаббор ака одамларга қайишадиган, бир майизни бўлишадиган, ортида яхши из қолдирадиган раҳбарлар. Шунда жамоа аъзоси Ҳалима Худойқулованинг «У кишини барчамиз ҳурматлаб «отахон» деб атаймиз» дегани ёдга тушади. Ҳаёт қонуни ҳам шундай: «Ким нима экса шуни ўради!».

Халқимизда қаловини топсанг қор ёнади, деган нақл бекорга юрмаса керак. Туман ҳудудида яшовчиларга қўшимча иш ўринлари ташкил этиш, бирлашма аъзоларининг ҳақиқий даромадларини ошириш мақсадида хусусий мулкчиликка асосланган кичик корхоналар ишга туширилаётганидан мамнун ишчи-хизматчилар меҳнатда ўрнак кўрсатишяпти. Буни қуйидаги маълумотлар ҳам исботлаб турибди: ўтган йилда юз тонна дон маҳсулотлари тайёрлаш кўзда тутилган эди. Аслида эса 8720 тонна ёки режага нисбатан 87,2 баробар кўп маҳсулот тайёрланди. Ҳўл мева 521 фоиз, қуруқ мева 327, сабзавот 136, пиёз 234 ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш режаси қарийб 130 фоизга бажарилди. Йил якунида кўтаринки меҳнат натижаси 300 миллион сўм соф фойда билан ўлчанди.

— Жорий йилда бу кўрсаткичларни янада ошириш ниятидамиз, — дейди Абдужаббор ака Халилов. — Бунга қуйидаги асосларимиз бор: айни пайтда Қарағандадан ҳар хил металл, сим олиб келинмоқда. Симдан мих ишлаб чиқарадиган цех қурамиз. Агар йилига минг тонна атрофида мих чиқарсак, бу — туман аҳолиси эҳтиёжини қондиради. Ҳунарманд-чиликни йўлга қўйиб, ёшларга касб-ҳунар ўргатмоқчимиз. Шу мақсадда кетмон, теша, ўроқ, човли ва бошқа буюмлар ясайдиган цех қурамиз. Кулолчилик кичик корхонасида ҳозирча 6 нафар ёш ишламоқда. Унинг ёнида чинни идишлар тайёрлайдиган цех тикланди. Бироқ иккала цехни газлаштириш масаласи муаммо бўлиб турибди. Табиий газ бор. Фақат рухсат бўлса бас. Лекин республика тегишли ташкилотлари бу муҳим ишни ҳал қилишни пайсалга солиб келишмоқда. Агар табиий газ уланса қўшимча яна 40—50 ишчи ўрни ташкил қилинар, маҳсулотлар турлари кўпаяр-ди. Биз ўз маҳсулотларимизнинг маълум қисмини маҳалла-кўй, мактаб, боғча ёки болалар уйларига совға сифатида бажонидил тортиқ қилган бўлардик...

Ҳақ гап. Айнан Вазирлар Маҳкамасида бўлган йиғилишда ҳам расмиятчилик, сансалорлик, қоғозбозлик, эски, қотиб қолган усуллардан қутулолмаслик иллатлари қаттиқ қораланди. Бирлашмада йиғилиб қолган юқоридаги сингари муаммолар бундан буён ижобий ҳал этилишига умидвормиз. Ишни кўзлаган — имкон излаганидек, бирлашма раиси ҳам эртанги кунни ёруғ юз билан қарши олмоқчи. Бинобарин, ҳадемай хусусий жамоа мулки мақомини оладиган тайёрлов корхонаси раҳбарининг ўзгача муддаоси ҳам бўлиши мумкин эмас. Зотан, қаторида Рамзила Белолова, Матлуба Каримбердиева, Маъмура Икромова, Садиржон Абдуналиев, Жаҳонгир Усмонов, Виктор Пахомов, Қамаш Жайдакбоева сингари норлари, жамоада соғлом муҳит бор экан, албатта яна кўп муддаоларга эришиш унга насиб этгай...

Абдуваби МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

СУРАТДА: консерва цехи ишлаб чиқарган маҳсулотларни жўнатиш пайти. Чапдан иккинчи — Абдужаббор Халилов.

• Яшил либос—ўлкамизга мос

ДЕҲҚОНЧА МАСЛАҲАТ

БАЛИҚЧИДА ЕҒОЧ МУАММОСИНИ ҲАЛ ЭТИШ ЙЎЛИДАГИ ИБРАТЛИ ҲАРАКАТЛАР ТУФАЙЛИ ТЕРАКЗОРЛАР БАРПО БЎЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига кўра аҳолига уй-жой қуриш учун ер ажратиб берилди. Лекин қурилиш материалларисиз айниқса, ёғочсиз иморат битмайди. Кейинги йилларда ёғоч тақчиллиги туфайли турар жой тиклаш осон бўлмаяпти. Қўл қовуштириб, нажот кутган билан оғир енгил бўлиб қолмайди. Балиқчиликлар мазкур муаммони баҳоли қудрат бартараф этишга бел боғладилар.

Ибратли ишнинг илк манзараси туман ўрамига киришингиздаёқ намоён бўлади. Катта йўл четларига экилган тераклар тизими далаларга элтувчи кичик кўчаларнинг икки томонига ўтказилган ниҳоллар қаторига туташиб кетади.

— Ўтган йилнинг баҳорида хўжалик раҳбарлари билан деҳқончасига маслаҳатлашиб хайрли иш бошладик, — деди суҳбатдошимиз Балиқчи туман ҳокими Абдусаттор Ғаниев. — Ҳар бир бригадада 1000 тупдан терак экишни қатъий режа, деб белгиладик. Шу тадбир туфайли йўл четлари, ариқ ва зовур бўйларига 1,5 миллион туп терак кўчати ўтқазилди. «Шераличек», Улуғбек номли, «Ўзбекистон», Навоий номли, «Пахтакор», Мўминов номли жамоа хўжаликларининг меҳнаткашлари бу ишда намуна кўрсатдилар.

Ҳокимнинг холис гапларини тасдиқловчи мисоллар кўп. Навоий номли жамоа хўжалиги деҳқонларининг кучи билан зовурлар ёнидаги икки гектарга яқин дўнглик ер теракзорга айланди. Улуғбекликлар бу борада янада илдамлик қилишди. Жамоа хўжалигининг аъзоси Иномиддин ака Бобоматов теракзор яратишга бир неча йил аввал киришган экан. Ҳозир Ойчўлиқбува масканидаги қийқим ернинг икки гектарида тераклар гуркираб турибди. Кўп ўтмай Турсунали Бойбоев билан Неъматжон Турғуновлар ҳам маҳалладошлари қаторига қўшилишди. Теракзор яна 3 гектарга кенгайди. Кўчатлар 40 минг тупга етди.

Қичик ўрмонзордаги тизилган тераклари кўрган кишининг ҳаваси келади. Бу Иномиддин ака сингари мирзатерақлар меҳнати натижаси. Улар мирзатерақларни бу даражага етказгунича озмунча тер тўкишмади.

— Экилган терак кўчатлари ўн йилга қолмай вояга етади, — дейди Улуғбек номли жамоа хўжалиги раиси Орифжон Охунов билан бош ҳосилот Ҳабибулло Давлатовлар. — Теракзорларни бу йил янада кенгайтирамиз. Шу ниятда 12 гектар ер ажратдик. Ҳисоблаб кўрсак, ҳар гектарига 27 минг дона терак қаламчаси сиғар экан. Ниҳоллар сал тиклангач, сийраклатамиз. Қўшимча кўчат шу ердан чиқади. Дастлабки экилган мирзатераклар хўжалигимиз эҳтиёжи учун ярайдиган бўлиб қолди.

— Етилган тераклар ҳисобидан ҳамқишлоқларимнинг фарзандлари учун боғча биноси қуриб бериш ниятидаман, — дея кўнглини очди Иномиддин ака Бобоматов. — Иншоолло, ўша кунларга етайлик.

«Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг тажрибали бригада бошлиғи Собиржон Жабборов ҳам кўпчиликнинг манфаатини ўйлаб ҳаракат қилди. Бригада аъзолари пахта ҳосили етиштиришдагина эмас, балки тадбиркорликда ҳам пешқадам эканини амалда кўрсатди. Жамоа Қорадарёнинг муҳофаза қисмига тегишли 10 гектарча ерга 150 минг туп терак кўчати ўтқазди. Ниҳоллар доимо эътибор билан парваришлангани учун ҳозир олди устунликка ишлатса бўладиган даражага етди. Яна уч-тўрт йилдан кейин уларни ёппасига кесиш мумкин бўлади.

Узоқни кўзлаб пухта режа олаётган Собиржон Жабборов, Иномиддин Бобоматовларнинг ишидан бошқалар ҳам ибрат олсалар, ёғоч муаммосининг ечими топилиб, уй-жой ва бошқа биноларнинг тиклaниши анча тезлашарди. Бунинг учун Балиқчи туманининг ўзида инсон қадамини, эътиборини зориқиб кутаётган жойлар бор. Хусусан, Қорадарё соҳиллари шундай макондир. Дарё қирғоқларида теракзорлар барпо қилиш ҳам иқтисодий фойда, ҳам табиат мусаффолигини таъминлаш имконини беради.

Зеро, Республика Вазирлар Маҳкамасининг яқинда қабул қилинган қарорида халқ хўжалиги ва аҳолининг ёғоч-тахтага бўлган эҳтиёжини қондириш ҳамда Ўзбекистоннинг табиий-иқтисодий имкониятларидан самарали фойдаланиш таъкидланди. Қорадарё қирғоқларидан унумли фойдаланиш ҳукуматнинг мазкур қарорини бажаришга балиқчиликларнинг амалий жавоби, мамлакатимизнинг ёғочсизлик борасида мустақилликка эришувига қўшган ҳиссалари бўлади.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

СУРАТДА: Балиқчи туманидаги Улуғбек номли жамоа хўжалиги бош ҳосилоти Ҳабибулло Давлатов Турсунали Бойбоев ва Иномиддин Бобоматовлар билан теракзорда.

Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат.

«ЎЗБЕКИСТОН БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ЙЎЛИДА»

Таниқли олим, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби иқтисод фанлари доктори, профессор Э. Акромов ва республика инвестиция банки бошқарувининг раиси, иқтисод фанлари номзоди И. Эшмуҳамедовнинг «Ўзбекистон бозор иқтисодиёти йўлида» асари чоп этилди. У назарий билимлар билан бир қаторда амалий тадқиқотларни ҳам ўз ичига олган бўлиб ўқувчига бозор иқтисодиёти тарихи, тажрибаси ва эришилиши мумкин бўлган натижалари ҳақида тўлиқ тушунчага эга бўлиш имконини беради.

Асар 4 бобдан иборат бўлиб, унинг биринчи бобида муаллифлар бозорнинг моҳияти ва бозор муносабатлари, капиталистик мамлакатлар бозор тузуми ва барҳам топган социалистик тузум давлатларининг янги иқтисодий шароитга ўтиш тажрибалари ҳақида фикр юритишади.

Ўзбекистон тарихи, унинг собиқ Иттифоқ давридаги тараққиёти, мавжуд имконият ва келажак йўллари алоҳида маълумотлар асосида ёритилган. Унинг бозор иқтисодиётига ўтишда ўз йўли борлиги ва республикамиз Президенти И. Каримовнинг бу борадаги тутган йўллари далиллар ва мисоллар билан асослаб берилган. Асарнинг ўзига хос хусусияти шундаки, муаллифлар кўпгина манбалардан фойдаланиш билан бир қаторда уларни чуқур таҳлил этганлар. Бозор иқтисодиёти хусусидаги марксизм-ленинизм таълимотларидаги номувофиқликлар ойдинлаштирилган. Бозор иқтисодиётининг ижтимоий меҳнат тақсимотидаги аҳамияти, маъмурий бошқаришнинг камчиликлари ҳақида маълумот берилган.

• Долзарб мавзудаги рисола

Рисола муаллифлари аниқ мисоллар асосида йирик ривожланган капиталистик ижтимоий ишлаб чиқаришда бозорнинг давлат томонидан идора этилишини таъкидлайдилар. Бир қатор давлатларда бозор муносабатларига ўтиш жараёнини ўрганиш ва бу моделлардан фойдаланиш йўллари ҳақида фикрлар бор. Шунингдек, ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илмий асослари кўрсатиб берилади.

Рисоланинг афзаллиги яна шундаки, унда бир қатор йирик давлатлар иқтисодини яхшилаш борасидаги ўзига хос тажрибалар, тадбирлар мужассамлаштирилган. Масалан, 40-йиллар бошида Олмонияда ўтказилган Эрхард ислоҳоти ва унинг 1945 йилга келиб 1938 йилга нисбатан мамлакат саноати ишлаб чиқаришининг 1,5—1,6 баробар ўсганлигини таъминлаганлиги хусусида далиллар келтирилган.

Туркия ислоҳоти рисолада алоҳида ўрин эгаллаган. Унинг республикамиз учун фойдали жиҳатлари таъкидланиши билан бир қаторда Ўзбекистон ислоҳотининг ўзига хослиги юртбошимиз И. Каримов рисолалари мисолида асослаб берилган.

Муаллифлар Ўзбекистон тараққиёти тарихини ўрганиш асосида унинг келажагини, табиий бойликларини, ишлаб чиқариш, илмий техник даражаси ва меҳнат ресурслари потенциалини ҳисобга олган ҳолда улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш лозимлигини таклиф этадилар.

Рисоланинг сўнгги бобида мустақил Ўзбекистонимизнинг ҳамдўстлик давлатлари орасида тутган ўрни, унинг халқ хўжалиги, фан техника тараққиёти хусусида, маориф ва маданият, аҳолининг ижтимоий ҳимояси борасида олиб борилаётган тадбирлар сиёсати жуда тўғри йўлда эканлиги ҳақида фикрлар бор.

Ишлаб чиқариш фондларининг қайси қисмини қай тарзда давлат тасарруфидан чиқариш, уларни хусусийлаштиришда нималарни инобатга олиш, хорижий давлатларнинг бозор иқтисодиётига ўтишдаги тажрибалари асосида ойдинлаштирилган. Хорижий давлатлар инвестициясини мумкин қадар қайси тармоқлар тараққиётига йўналтириш ва оқибат натижада эришилиши мумкин бўлган натижалар хусусида мулоҳазалар берилган.

Ушбу рисоланинг афзаллиги шундаки, у жуда равон тил билан ёзилган бўлиб, барча ўқитувчилар, шунингдек, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари талабалари, аспирантлар, раҳбарлар, иқтисодиёт билан қизиқувчи барча шахслар учун мўлжаллаб ёзилган.

Е. АБДУЛЛАЕВ,
Ф. КАРИМОВ,
Тошкент Молия институтининг профессорлари.

ТАДБИРКОРЛАР КЎКРАГИГА ШАМОЛ ТЕГДИ

Яширишнинг ҳожати йўқ. Эркин бозор муносабатларига ўтишда тўсиқлар кўп эди. Маҳсулотнигни ташқаригга чиқарсанг ҳам, хориждан маҳсулот олиб келсанг ҳам турли муассаса, назоратчи ташкилотларнинг тартибига тўғри келавермасди.

Тижорат иши билан чет элга бориш ва бундай ишларни амалга ошириш ҳам қийинчиликларга борib тақаларди. Юртбошимиз «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан бу тўсиқларни олиб ташлади. Фуқароларга қонунлар кўзда тутган даражадаги эркинликлар берилди. Вилоят тадбиркорлари ҳам бу фармонни мамнуният билан кутиб олдилар.

Фуқароларнинг маҳсулот келтиришни ва ички бозорни тўлдиришни таъминлайдиган хусусий-тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантиришда шу, тариқа катта йўл очилди. Оилавий савдо тузилмаларини ташкил этиш, уларга миллий ва чет эл валютасида кредит бериш, чет эл валюталари, МДҲ мамлакатлари пул белгиларини республикага келтириш, четга чиқариш соҳасидаги эркинликлар тадбиркорларни рағбатлантиради, албатта. Ички бозорни керакли кийимкечак, кундалик эҳтиёж моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўкин-сочин қилиш учун шароитлар яратилди.

Катта миқдордаги товарларни экспорт қилишга рухсат берилганлиги ҳам МДҲ мамлакатлари билан мол айирбошлашни кенгайтиришга ёрдам беради. Маҳсулот чиқариш ва келтиришдаги тўсиқларнинг камайиши ҳисобига тадбиркорларнинг, хусусий тожирларнинг олиб келаётган моллари нисбатан арзон тушади. Натижада бозорларимизда ҳам арзончилик бошланади.

Ихтисосим ташқи иқтисодий алоқалар бўлганлиги сабабли тижорат қийинчиликларидан хабардорман. Хорижий мамлакатлар билан иқтисодий муносабатни йўлга қўйиш пайтида солиқ ва бож тўловлари ишимизга жиддий таъсир кўрсатганига гувоҳ бўлганман. Вилоятимизда 14 та қўшма корхона рўйхатга олинган. Хорижий сармоядорлар билан шартномалар тузилган. Бироқ, чет элда тайёрланган усуналар, жиҳозларни ўзимизга келтиришда ҳам солиқ тўланарди. Бу, албатта, хорижлик шерикларга малол келарди. Бир қисми шу ташвишлардан чўчиб, ҳамкорлик қилишдан воз кечарди. Юртбошимизнинг Фармонида бу борада ҳам енгилликлар берилгани нур устига аъло нур бўлди.

Албатта, бу Фармон — республикамизнинг ҳар бир фуқароси томонидан чуқур ўрганишга молик ҳужжат. У маълум бир тармоқ вакилларига эмас, бугун ҳаммамизга таалluқли. Зеро, халқимиз ишбилармон бўлса, тадбиркор бўлса, бозорларимиз шунчалик тўкин, турмуш фаровон бўлади.

Сарвар ХУДОЕРОВ,
Жиззах вилояти ташқи иқтисодий алоқалар бошқармаси бошлиғи.

РАМАЗОН ҲАЙИТИНГИЗ МУБОРАК!

Бу йилги Рамазон ойи мустақил Ўзбекистон мўмин-мусулмонлари ҳаётида шарафли бўлди. Бошқа ибодатлар қаторида муборак Умра сафари ҳам яхши ташкил қилинди. Ўзбекистон Ҳаво йўллари томонидан ҳафтанинг ҳар пайшанба кунида Тошкент—Жидда рейси очилиб, 300 нафарга яқин одам Харамайнга бориб, Умра ибодатларини адо қилдилар. Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо Саллаллоҳу-алайҳи вассаламнинг ҳадиси шарифларида баён қилинадики, Қайси бир мўмин-мусулмон Рамазон ойида Умра ибодатини бажарса, ундек умматим гўёки мени ҳаётлик вақтимда ёнимда юриб ҳаж қилган савобини оладди, деб марҳамат қилганлар.

Алҳамдулиллоҳ, бу йилги рамазон ойида минглаб Ўзбекистон фуқаролари бу муқаддас ибодатни бажардиларки, бунинг учун Оллоҳга шукроналар айтамиз. Шу рамазон ойидаги катта бир гуруҳга раҳбар бўлиб бориб келишлик каминага насиб қилди. Жамоамиз 265 кишидан иборат бўлиб, жумладан Хоразм, Фарғона, Андижон, Наманган, Тошкент вилоятлари вакиллари бор эди.

Жидда шаҳрида бизларни ҳамшаҳарларимиз самимият билан қучоқ очиб кутиб олдилар. Биз эҳромда Лаббайка-оллоҳумма-лабайк калималарини такрор-такрор айтиб, ер юзи мусулмонлари қибласи бўлган Маккаи Мукаррама шаҳрига кириб бордик. Мезбонларимиз бизларни Такия меҳмонхоналарига жойлаштирдилар. Рамазон ойи бўлганлиги учун у ердаги ибодатларни бошқа вақтга нисбатан анча мураккаблиги бор. Шунинг учун ҳамюртларимизга қўлдан келганича тушунтириб, биргаликда етти марта Каъбани тавоф қилдик. Мақоми Иброҳимда икки ракат намоз ўқиб, зам-зам Шарифга тушиб, юзларимизни ювиб, тун бўлганлиги учун зам-зам Шарифдан тўйиб ичдик. Ундан Сафо тоғига чиқиб, Марво тоғи томон юрдик. Бу икки муқаддас тоғ оралиғида етти марта саъй қилинади. Марва тоғига борганда сочимизни олдириб, эҳромдан чиқдик. Шу вақт Каъбаи муаззама миноралари бомдод намозини азони жаранглади. Баъзилар ҳарами-шарифда уч кун таровиҳ ва ифторликларга қатнашди. Тўртинчи куни Мадинаи Мунавварага йўл олдик. Пайғамбаримизнинг шаҳарлари бўлган бу гўзал масканда бизларни яна ҳамюртларимиз Абдулқодир Марғилоний, Абдусалом қори Қўқондий. Қоримуҳаммад Акбар Ҳамдам ва бошқалар кутиб олишди. Қорихона деган Такияга жойлашдик. Ҳар куни ҳарами-шарифда таровеҳ хатми-қуръон маросимларини жамоат билан ўтказдик. Шу қатори Мадина такиясида ҳам Хос хатми-қуръон маросимларида қатнашдик. Бу анжуманга ҳамшаҳарларимиз катта-катта уламолари таклиф қилинган экан. Ан жуман ниҳоясида Афандихон тўрам ва бошқа катта уламолар маъруза қилдилар. Шу қатори биз каминага ҳам сўз беришди. Мен бутун юртдошларим номидан анжуман қатнашчиларини табриклаб, бизларга кўрсатилаётган катта илтифотлари учун миннатдорчилик изҳор қилдим.

УМРА

Мадина шаҳрида хеши-ақробалар хонадонларида бўлдик. Улар бизни Мадина шаҳрининг муқаддас жойларига саёҳат қилдирдилар. Жумладан Ухуд тоғи ёнидаги Сайидуно амир Ҳамза қабрларини зиёрат қилдик. Масжиди Қиблатайн, Масжиди Қуболарда нафл намозларини ўқишликка мушарраф бўлдик. Бизлар икки ҳарамда бўлган вақтимизда Рамазон ойига хос бўлган ибодатларни руҳан ҳис қилар эканмиз, Оллоҳга ҳамду-санолар айтиб, пайғамбаримиз алайҳи-саллоту вассаломга саловатлар айтиш билан бирга, Ўзбекистон жумҳуриятининг мўмин-мусулмонларига — бу улуғ сафар учун катта имкониятлар яратиб берган юртбошимиз Ислом Абдуғани ўғиллари ҳақларига дуои-хайрлар қилдик. Бизларни дуоимизга Ватандошларимиз ҳам астойдил қўшилдилар.

Собиржон ҲОЖИ НОРМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари қўмитаси Раисининг муовини.

Хатим-Қуръон анжуманида ҳамюртимиз Қорнмуҳаммад Акбар Ҳамдам Ўзбекистон истиқлолига бағишлаб қуйидаги шеърни ўқиб бердилар:

ХУШ КЕЛДИНГИЗ!

Ҳажжингиз мақбулу даргоҳи — худо, хуш келдингиз.
Ҳоки пойингиз кўзимизга тўтиё, хуш келдингиз.
Мақтамизга жонимиз бўлсин фидо, хуш келдингиз!
Зоири қабри Муҳаммад Мустафо, хуш келдингиз.
Юртимиздин қавму-хешу-ақрабо, хуш келдингиз.

Ҳар тарафдин келди қаттиқ имтиҳон сизларга ҳам.
Охирида бўлди Оллоҳ меҳрибон сизларга ҳам.
Кенгчилик берди тараҳҳум айлабон сизларга ҳам.
Айлади Каъба тавофин ройигон сизларга ҳам.
Ҳақ-таолло шукрини айлаб адо, хуш келдингиз,
Юртимиздин қавму-хешу- ақрабо, хуш келдингиз.

Юртимизнинг раҳбари, Сизга муборак ҳуррият,
Дини Ислом бирла қилсин Сизни Оллоҳ тақвият!
Ҳар нафасда ҳақ-таолло даргоҳидин маслаҳат,
Юртимизга, халқимизга, Сизга амну-офият.
Ҳаммамизга офият берсин Худо, хуш келдингиз.
Юртимиздин қавму-хешу ақрабо, хуш келдингиз.

Юртимиз озоди бизга лутфу-эҳсони Худо,
Қон тўкилмаслик бу йўлда бўлди айни муддао
Энди бизга бирлашишлик ҳар биримиздин ражо,
Ўртамизда ҳақ каломи яхши йўлга раҳнамо,
Бизга мундин ўзга йўқдур раҳнамо, хуш келдингиз.
Юртимиздин қавму-хешу-ақрабо, хуш келдингиз.

Биз муҳожирлар Ватанни бир кўришга зормиз,
Қавму-хешу-ақрабога ташнаи-дийдормиз.
Бир яшардин юз яшарга танда жону-боримиз.
Жону-молни сарф этарга юрт учун тайёрмиз.
Ташналикни дардиға айлаб раво, хуш келдингиз.
Юртимиздин қавму-хешу-ақрабо, хуш келдингиз.

Аввал куни чиқди Ватанни тарк этиб обоимиз,
Бўлди ҳар бир ерда тўрт кун манзилу маъвоимиз.
Сабру-тоқат бирла даври-дарбадарлик маҳв ўлуб,
Шукрилилло бўлди охир ал Мадина жойимиз.
Истиқомат доимий берсин худо, хуш келдингиз.
Юртимиздин қавму-хешу-ақрабо, хуш келдингиз.

Гарчи биз ёшликдин юртимизни кўрмадик,
Боғу-бўстонида ўйнаб, бошқалардек юрмадик.
Жаннати дунё Ватанни яхши даврин сурмадик,
Лек бир лаҳза Ватанни эсламасдан турмадик.
Ҳар амалда Сизга биз ҳам ҳамсадо, хуш келдингиз,
Юртимиздин қавму-хешу-ақрабо, хуш келдингиз.

Биз муҳожирлар дуода қайда бўлсак доимо,
Юртимиз озодлиги, ободлигин айлаб ражо,
Раббимизга бу дуолар бўлди мақбул, Ҳамдамо,
Тиккаланди дини—Ислом барқани ва фархато.
Ушбу фархат шукрини айлаб адо, хуш келдингиз.
Юртимиздин қавму-хешу-ақрабо, хуш келдингиз!

Абдувоҳид ТУРАЕВ олган сурат.

САВОБЛАРИ ДАВОМЛИ БЎЛСИН

Субҳи содиқдан то шомга қадар ҳар он-ҳар лаҳза омонатга садоқат ва хиёнат оралиғида яшайсиз. Хиёнат йўлига кириш бениҳоя осон, садоқат учун эса андак сабр, андак матонат даркор. Тоқат етмаса, биров ортингиздан пойлаётгани йўқ, ихтиёр ўзингизда. Бироқ, рамазон ойининг энг катта ҳикматларидан бири шунда, яъни омонатга ҳам ошкора, ҳам пинҳона садоқат синови эканлиги-да!

Тасаввур қиляпсизми, инсоний сабр билан бозорий бесабрлик одамларни такрор-батакрор ғалвирдан ўтказаётган бир паллада ҲЕЧ КИМ КЎРМАСА-ДА аҳдга, омонатга вафоли бўлиш нақадар улкан синов!.. Вафо — қалб ва руҳ ҳодисасидир, вафодор қалб соҳибларининг кўпайиши эса жамияни, охир-оқибат Ватан мустаҳкамлигининг зарур шартидир.

Алҳамдулиллоҳ, вафоларимиз яна бир синовдан ўтди. «Имон йўлига юрдим» дея Аллоҳ таоло билан аҳдлашдимки, бас, сабру садоқатимизни ҳам, вафолар билан мустаҳкамланган ибодатларимизни ҳам ёлғиз Парвардигор ризоси учун бағишладик. Икки олам сарварининг ҳар ризоси — ҳар мўминнинг минг савоби, ҳар мўминнинг савоби — минг бандага татийди, минг банданинг савоби она-Ватан равнақи йўлида асқотади.

Алҳамдулиллоҳ, вафоларимизга савоблар ёғиладиган ойда яшаш насиб этди.

Нафс ва сабр синови кундузи таомдан тийилиш билангина ўлчанмайди. Зеро, танамизнинг ҳар аъзосига хос сабр бор: қулоқ сабри — фойдасиз сўзларни тинглямаслик, кўз сабри — нохуш манзараларга қарамаслик, тил сабри — ножўя сўзлар айтмаслик. Кўнгилларни ранжитмаслик!

Дарвоқе, XX асрнинг турфа янгиланишларга бой ҳозирги даврида асабларни жиловлай олиш ҳам нафс найрангига учмаслик аломатидир. Муттасил нафс ва нафсоият оралиғида кечаётган умр онларида нафсоният, яъни руҳнинг ҳар бир саботи олий инсонийлик мақомлари пиллапоясидан бир поғона кўтарилишга тенгдир.

Алҳамдулиллоҳ, нафсга қарши жиҳод эълон қилган руҳларимиз яна бир бор сайқал топди, тобланди.

Ўн бир ойнинг султони ҳисобланмиш Рамазон ойида яна бир карра иқрор бўлдикки, феъл-ларимиздаги ҳар турли иллатлардан воз кечиш ва инсоний фазилатларимизни кўпайтириш имкони бор экан! Бунинг учун Аллоҳ таоло белгилаб берган ушбу муборак ой мўъжизаларию ҳикматларини қалб ва шуур қатларига пухтароқ муҳрламоқ лозим, холос.

Иншоаллоҳ, Рамазондан ҳосил бўлган савобларимиз келгуси Рамазонга қадар давомли бўлсин!

Ҳожи Хуршид ДУСТМУҲАММАД.

ОНАМНИ РОЗИ ҚИЛА ОЛДИММИ?

Бир кун бир одам Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳузурига келиб:

— Ё Расулуллоҳ! Онам жўда кексайиб, боладек бўлиб қолди. Гўдакларга ўхшаган ишлар қилади. Ўрнидан тура олмайди. Унга ўз қўлим билан овқат едираман, сувни ҳам ўз қўлим билан ичираман, таҳоратга ёрдам бераман, сўнгра сажжода (намоз ўқиш жойи)га опичиб, кўтариб олиб бораман. Хоҳлаган ерига кўтариб олиб бораман. Ё Расулуллоҳ! Онамнинг ҳаққини ўтай олдимми, рози қила олдимми, йўқми? — деб сўради.

Севикли Пайғамбаримиз саллолоҳу алайҳи вассалам:

— Волидангнинг ҳаққини юздан бирини ҳам ўтай олмагансан, — дедилар.

Ул одам:

— Нега? Ё Расулуллоҳ! Мен онамнинг бир айтганини икки қилмайман.

Расули Акрам саллолоҳу алайҳи вассалам:

— Волиданг сенга, ўғлим ўсиб улғайсин, буюк одам бўлсин, умри узун бўлсин, деб хизмат қилиб, опичиб юрарди. Сен эса унга, қачон ўлади, деб: ўлса қутулардим, деб хизмат қиласан. Булар орасида тоғдек, ер билан осмончалик фарқ бор, Онанг сени боққанида ўғлим қачон улғайиб катта бўлади, дерди. Сен эса, онам қачон ўлади, дейсан.

Сизларнинг бу ниятларингиз ўртасида катта фарқнинг яна бир жиҳати бор. Сен онанга қанча хизмат қилсанг ҳам унинг ҳаққини ўтай олмайсан. Буни яхшилаб билиб ол! Ҳеч бир фарзанд ота ва онанинг ҳаққини тўлай олмайди. Шуни яхши билгинки, сен онанга хизмат қилсанг Жаноби Ҳақ сенга буюк савоблар беради. Ота ва Онанинг розилигини олган, ризосига ноил бўлган одам, Жаноби Ҳақ ризосига ноил бўлади, розилигини олади, — дедилар.

ИБРАТЛИ ҲИКОЯТЛАР

Иброҳим ибн Адҳам, Аллоҳнинг уйи бўлмиш Байтуллоҳга пиёда кетаётган эдилар, бир аъробий туя миниб ўтиб қолди ва —«Эй шайх, қаёққа? — деб сўради. Ул зоту бобаракот — «Байтуллоҳга» дедилар. Шунда аъробий—«Пиёда-я, от уловсиз-а» — деди.

Иброҳим Адҳам: — «Менда миниб борадиган ароба жуда кўп» — деб жавоб қилдилар.

Ҳалиги аъробий — «Қанақа ароба?»—деб сўради.

— Агар борди-ю менга бирор фалокат етса-сабр аробасига минурмен, инъомлар (неъматлар) етса—шукр аробасига минурмен, куним битиб, омонатни топшириш вақти келса—ризо аробасига минурмен, бордию нафсим бирор нарсага чорласа—биламан-ки ўткарган умримдан кўра, озроқ умрим қолибдур, деганларида, ҳалиги аъробий:

— Сиз туяга мининг ва Аллоҳнинг шаҳарларида юраверинг, мен пиёда юргаймен, — деб туясидан тушиб пиёда кетган экан.

ИРЛАНДИЯДА БИРИНЧИ

Ирландия ҳукумати раисаси Мори Рубансон хоним ирландиялик мусулмонларга давлат тарафидан қуриб берилган илк мадрасани бир неча кун муқаддам очди ва бу воқеани тарихий, деб баҳолади.

— Таълим соҳасида Ислом динининг теран, бой ва ёрқин анъаналари бор. Мусулмонлар доимо илму-маърифатга интиладилар, дейилади Ирландия раисаси номидан тарқатилган матбуот баёнотида.

Ирландиядаги илк исломий мадрасада олти мингдан зиёд ирланд мусулмонларининг фарзандлари ва ҳозирги кунда Ирландиядан бошпана топган Босна ва Херсек мусулмонларининг ўғил-қизлари Ислом асосларини ўрганадилар.

Юсуф ТОВАСЛИЙ

ЎҒЛИГА ЛИБОС ОЛИШ УЧУН ПУЛИ ЙЎҚ

Халифа Ҳазрат (Р. А.) замонида бир минг тўрт юз шаҳар фатҳ этилган эди. Эроннинг бутун хазиналари ва ганимат моллари сув каби Мадинаи мунавварага оқарди. Аммо ислом халифаси Ҳазрат Умар (Р. А.)нинг байрамда ўғлига либос олиб бериш учун пули йўқ эди. Бир куни Ҳазрат Умарнинг ўғли отасига:

— Отажоним, уст-бошим жуда тўзғиб кетди. Дўстларим устимдан кулишяпти. Мен учун байрамга кийим олайлик, — деди.

Халифа Умар:

— Бўлмайди, ўғлим, янги кийим олгани пулимиз йўқ, — деб жавоб бердилар.

Ўғил:

— Отажон, келаётган ойнинг маоши устидан пул олиб туринг. Ўша пулга янги кийим оламиз, — деб айтди.

Халифа Байтул хазинабонга бир мактуб ёздилар. Унда келажак ойнинг маошидан бироз пул бериб тур, ўғлимга байрамлик либос олиб бермоқчиман, дедилар. Мактубни ўғилларидан жўнатдилар. Ўғил уни молия нозирига олиб борди. Нозир мактубни ўқиб, сўнг халифанинг ўғлига:

— Бўлмайди, бермайман,— деди.

Ўғил:

— Нега бермайсиз. Бу мактубга ишонмайсизми? — деди.

Хазинабон:

— Биламан, мактуб халифадан. Аммо бир камчилиги бор. Халифа янаги ойга қадар яшаши ҳақида бир васиқа бермапти, — деб айтди.

Халифанинг ўғли бу сўзларни эшитиб, шошилинч отаси олдига келди. Халифа ўғлидан сўради:

— Ўғлим, нима бўлди, пулни олдингми?

— Йўқ отажон, олмадим, хоҳламайман. Сиз шу қадар ҳалол миллатнинг раиси-халифаси бўлганингизга қанчалар ифтихор қилсангиз арзийди. Сиз билан фахрланаман, отажон.

Ҳазрат Умар:

— Хазинабон Умарни билади. Агар берганида, дунёга келганига пушаймон қилдирардим, — деган эканлар.

ИҚТИСОДИЁТ ХАБАРЛАРИ

НОН ШАҲАРЧАСИ

Сурхондарёда қушлар энг кўп қўнадиган бир манзил бор — Шўрчи ун комбинати. Бу комбинат таъмирлашга тўхтатилмайдиган, кеча-кундуз узлуксиз ишлайдиган вилоятдаги ягона тегирмондир. Бу тегирмонни одамлар нон шаҳарчаси ҳам деб аташади.

Нон шаҳарчасининг қуввати йилига 143 минг тонна ун ишлаб чиқаришга етарли. Бу вилоятнинг нонга эҳтиёжини қондиришга камлик қиларди. Корхона жамоаси бу камтикнинг жойини тўлғазишнинг иложини топди. Шоли оқлашга мўлжалланган жойдан кунига 107 тонна ун ишлаб чиқарадиган қўшимча тегирмон қурди. Демак, нон бўлса бас.

Нон шаҳарчасидаги янгилик фақат шундан иборат эмас. Корхона қошида ишлаб турган макарон цехи ҳам кенгайтирилди. Цех бу йил 800 тонна макарон ва вермишель ишлаб чиқаришни мўлжаллаб турибди. Шундан билингки, вилоятнинг дўконлари бирмунча обод бўлади.

Энди яна бир янгликни эшитинг: ун комбинати шаҳарда ўзининг нон заводини қурди. Завод кунига 3,5 тонна 13 хилдаги нон маҳсулотларини пиширади. Иссиқ нон заводнинг дўконларида сотилади.

Комбинат директори Абдимурот Ҳусановнинг иш усулига хос фазилати бор: — учтўрт йилдан сўнг керак бўлиб қоладиган эҳтиёт қисмни бугундан ҳозирлаб қўйишни хуш кўради. Омборда дон бўлсин, эҳтиёт қисм бўлсин, қолганини уддалаш бизнинг зиммамизда, дейди у.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ШИФОБАХШ БЕЛБОҒЛАР

Конимехда Ўзбекистон ХДП туман кенгашининг ташаббуси билан «Ўрнак» кичик корхонаси ишга туширилди.

Бу корхона туя жунини қайта ишлашга ихтисослаштирилган. Қисқа вақтда 10 тоннадан ортиқ маҳсулот йигирилиб, саккиз миллион сўмликдан зиёд харидорбоп моллар тайёрланди. Улар орасида кўрпача ва чойшаблар бўлиб, асосан тиббиёт муассасаларида фойдаланишга мўлжалланган. Айниқса, туя жунидан тайёрланган белбоғлар кўпчиликка маъқул бўлмоқда! Бу маҳсулот республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги тавсияси асосида тайёрланмоқда. Турли вилоятларга 5 мингдан ортиқ шифоли белбоғ жўнатилди. Ҳозир Ўрта Осиё давлатларидан ҳам корхона маҳсулотларига буюртмалар тушмоқда.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

НАВРЎЗ ЯҚИНЛАШЯПТИ...

ЖУРНАЛИСТ ЎЙЛАРИ

...Эрта тонгда уйғонган келинчак ҳали тўй иси аримаган ҳовли саҳнини чиннидек супуриб бўлгач, дарвозани очиб кўчага чиқди. Онаси айтадиган гап дилидан ўтди: «кираверсин давлат...». Кўча юзиям бирпасда ораста бўлди. Қилган ишидан кўнгли тўлиб ҳовлига кирганда қайнонасининг шарпасини сезди. Тезда уйига ўтдию кийим-бошини алмаштириб, ташқарига чиқди. Қайнонага тавозе билан бир чиройли келин салом қилди. Онанинг меҳри товланди, томоғига тиқилган алланарсани базўр «ютди», кўзлари намланди. Минг шукр айтиб, келинини алқай-алқай бағрига босди.

— Айёмингиз муборак бўлсин, ойижон...

«Ойижон» деган тилларингдан айланай, қани эди «адажон» деб ҳам... хаёлидан ўтказдию, қуйилиб келаётган ёшларини тиёлмай келинига қаради.

— Юринг, болам.

Кўчага чиқишди.

— Салом қилинг...

«Кимга» демоқчи бўлдию, ботинолмади.

— Шу кўчага дадангизнинг номлари... — Аёл у ёғини гапиролмади.

Кўчанинг нариги томонидан бошланадиган қабристон дарвозаси ланг очиқ эди. Аёл келинини шу ёққа бошлади.

— Адажониси, келинингизни олиб келяпман, саломини қабул қилинг...

Келинчакнинг ҳам кўзларида ёш ҳалқаланди. У қабристонга келин салом қилди...

Наврўз яқинлашяпти... Бу том маънода меҳр-оқибат, инсоф-диёнат, сабр-қаноат етаклаб келадиган кунга айлансайди. Шу кун аввало ота-онамиздан хабар олайлик. Иш, хизматчилик, уй юмуши деймиз-у, бизга интизор кўзларни унутамиз. Вақти келиб, ўзимиз ҳам шу кўйга тушиб, фарзандларимиз йўлига маҳтал бўлиб ўтиришимиз мумкинлигини тасаввуримизга келтирмайлик. Ҳар қанча иззат-икром, меҳр-марҳаматни падари бузрукворларимиз, волидаи муҳтарамаларимиз ҳаётлигида қилайлик. Кейин муздек қабртошни қучиб йиғлашдан фойда йўқ. Аввало тириклар эъзозини жойига қўяйлик. Отаси ёнинки онасини ғариб-хоналарга элтиб қўйиб, ўзлари уларни ардоқлаш ҳақида ваъз айтадиганлар эртага ўзлари қай кўйга тушиб қолишларини ҳам ўйлаб кўришармикин?! Бугун ота-онасига озор бераётган фарзанд келажакда шу ситам ўзига ҳам қайтиб келишини англармикан? Бу дунёни қайтар дунё, дейдилар.

Наврўзи оламнинг майин эпкини дилларни хушнуд қилган чоғ армонли дил ўртанади. Қабристон бизни чорлаяпти. Бу оламни тарк этганлар ҳам бизга интизор. Бир калима қуръонталаб бўлиб ётишибди. Уларнинг қабрларини тозалайлик, дилларни равшан тортсин, жаннат гули райҳон экайлик, унинг ҳиди тароватидан баҳраманд бўлишсин. Наврўзингиз муборак бўлсин, адажоним. Фариштали сиймоингиз кўз ўнгимдан нари кетмайди, дилим ўртанади, қалбим йиғлайди... Армонли дунёда, яшаб юрсангиз, мустақиллик сурурини сурсангиз, Наврўздек айёмларни куйласангиз, не бўларди, дейман. Аммо ўзингиз айтгандек ўлим ҳақ экан. Нa илож? Руҳи покингиз олдида таъзимдаман.

Наврўз яқинлашяпти... Шу улуғ айём кунларида бир беморни кўриш, унинг кўнглини кўтаришнинг савоби кўп, дейдилар. Бу нафақат савоб, балки меҳр-оқибат рамзи, кўз-кўзга тушгандаги меҳр товланиши белгиси ҳамдир. Зеро, куни билан бирни ўнга пуллаб, бировнинг ҳақидан ҳайиқмайдиганлар, одамлар ризқини қийиб, қўйни-қўнжини тўлдираётганлар ҳам шу кунларда биргина беморнинг ҳолидан хабар олса дуонинг тагида қолиб кетармиди.

Наврўз яқинлашяпти... Кошки эди, шу баҳона ҳеч бўлмаганда етимхонадан биттагина болажоннинг бўлса ҳам ота-онаси инсофга келиб, фарзандини олиб кетсаю мозористон бўлиб ётган уйини бозорга айлантирса. Оҳ, кошки эди-я... Кўнгил кўчаси кўп экан. Пешонасига битгани, кўз очиб кўргани етмай, бошқасига «илакишган», оиласидаги садоқат, ишонч аталмиш энг муқаддас туйғуларни поймол этаётганларга бу кун фақат бир нарсани эслатгим келади. Севиб, суйиб уйланганингиз, оппоқ ҳарир либосдаги тим қора сочлари кўзларини яширган, малоика мисол бокира қиз қўлига «энди менинкисиз, шу думалоқ доирадан чиқиб кетолмайсиз», дея шивирлаб узук тақкан дақиқалар... Фарзандингиз — зурриётингизни дунёга келтириб, Сизга бир олам қувонч бахш этган онлар... Изингиздан чиқмай, борига шукр қилиб, Сизга Оллоҳга ишонгандек ишонувчан аёл — шу Сизнинг умр йўлдошингиз... «Аёл киши хиёнат учун ўз ёстиқдошидан ўч олмай қўя қолсин. Ёстиқдоши уйга олиб келган хиёнат ўти уни ўртаб, тез кунда сабоқ мадрасасига элтгай. Аёл киши фақат кута билмоғи ва ўз қадрини англаб баландлашмоғи лозим», дейишади бир битикда.

Наврўз яқинлашяпти... Бу кун гина-кудратни унутайлик, кечиримли бўлайлик. Кечагина уй-жой талашиб, акаси укасини хафа қилганлар ҳам кўзини очсин. Инсоф, диёнат дармондорисини ичсину охиратини ҳам ўйласин. Нариги дунёга ҳеч ким ҳеч нарса олиб кетмайди. Қолаверса, кунимизга шу ака-ука, эгачи-сингиллар ярайди... Бойлик, пул дардида «куйиб-ёниб» ўртанаётганлар ҳам ўйлаб кўришса, ҳа дўппини олиб ўйлаб кўришса...

Наврўз яқинлашяпти... Иқтисодий қийинчилик бироз асабий қилиб қўяяпти. Бироқ, энг ёмони шу асабни жиловлолмай тилимизга эрк беряпмиз. Ҳеч бўлмаса шу улуг айём кунлари ҳаққи ҳурмати аввало ўзимизни, қолаверса, ёнверимиздагиларнинг дилини ранжитадиган гап гапирмайлик, шундоқ ҳам умримиз қисқа. Бағримизни кенгроқ қилайлик, бир-биримизни аяйлик, эртанги кунимизга ярайдиган бўлайлик. Кексалар бежиз айтмагандир «дил яраси — ёмон дард» деб...

...Марҳумларга салом қилган келин сира кам бўлмайди. Наврўздан бироз аввал элимизда муборак Ҳайит айёми ҳам нишонланади. Келинчакларнинг бу байрамни интиқ кутиб, пинҳона тайёргарлик кўришларида жозиба бордек туюлади. Келин ҳайитига келганлар еб-ичиш учун эмас, келин салом кўргани келадилар. Илоё, шундай келин саломларимиз адо бўлмасин...

Умида ФАИЗИЕВА.

ТАРМОҚ ТАДБИРКОРЛАРИ КЕНГАШИ

Тошкентда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳаси тадбиркорларининг семинар-ўқуви бўлиб ўтди. Унда вилоятлардан, Қорақалпоғистон Республикасидан 200 нафар ишбилармон маиший хизмат соҳасининг тадбиркорлари қатнашдилар.

Семинарда яқинда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида Ўзбекистон Президентининг сўзлаган нутқидан келиб чиққан ҳолда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоқларида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора тадбирлари юзасидан «Ўзмаишийхизматуюшма» раиси З. Собиров маъруза қилди.

Семинар-ўқувида қатор вазирликлар, идоралар ва банк ходимлари билан бозор иқтисодиёти шароитида хизмат кўрсатиш соҳасидаги муаммолар хусусида фикр алмашилди. Шунингдек, «Ўзмаишийхизматуюшма»нинг 1994 йилда маиший хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, бозор муносабатларини кенг жорий этиш ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг умум дастури қабул қилинди.

Маъмуржон ҚИЕМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ҳафталик кўрсатувлар

Душанба,

14 МАРТ

● ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Тошкент лавҳалари». Телефильм.
18.20 «Сиҳат-саломатлик».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида).
19.15 Эълонлар.
19.20 «Осойишталик посбонлари». Республика Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади.
19.35 «Санъат олами».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахборот.
20.50 «Иқтисодимиз таянчлари».
21.25 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси эстрада жамоасининг концерти.
21.55 «Фалокат оёқ остида». Бадиий фильм.
23.30 «Ўзбекистон» ахборот.
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида).
19.15 «Йўлингиз бехатар бўлсин!».
20.05 «Билиб қўйган яхши».
20.35 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
21.05 «Мен Тянь-Шанман». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 «Тонг».
* * *
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Мультфильм.
18.35 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
18.40 «Миниатюра».
18.55 «Гол».
19.25 «Турмуш ижир-чижирлари». Бадиий телесериал премьераси. 38-серия.
19.55 «Театр майдони».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.30 «Олтин шлягер».
22.15 «Матбуот-клуби».
23.30 Енгил атлетика. Европа чемпионати. Франциядан кўрсатилади.

● ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

*

«ОМАД» таништиради:
9.00 «Мультфейерверк».
9.30 «Курьер».
9.45 «Юлдузли осмон».
10.05 «Ҳар соҳадан бир шингил».
10.10 «Совға».
10.40 «Салом, ёшлар!»
11.05 «Даракчи».
11.15 Эълонлар.
11.20 «Видео-О».
13.00 Эълонлар.
13.05 «Курьер».
13.20 «Мода тарихидан».
13.40 Эълонлар.
13.45 «Юлдузлар жилоси».
14.05 «Даракчи».
14.15 Эълонлар.
14.20 «Видео-О».

*

18.00—19.30
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.30 Душанба куни детектив. «Ҳарир пардали аёл». Бадиий фильм. «Эркюль Пуаро» сериалидан.
20.30 «Асил ҳолича».
21.25 Катталар учун мультфильм.

*

21.35—23.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

23.00 «Келгинди». Бадиий фильм.

Сешанба,

15 МАРТ

● ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Одамлар орасидаги бўри боласи». Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон халқлари тарихи.
11.00 «Фароғат опа». Телефильм.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Математика.
12.00 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Шатранж». Телефильм.
18.20 «Усмир ва қонун».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида).
19.15 Эълонлар.
19.20 «Сополда акс этган дунё». Телефильм.
19.35 «Қўшиқ рақсга уланса». Азамат Шарипов, Ойбек Султонов, Нилуфар Усмонова.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахборот.
20.50 «Ислоҳотнинг янги босқичи».
21.20 Т. Минуллин. «Алла». Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят театрининг спектакли.
23.10 «Муқаддас Ҳаж тараддуди».
23.30 «Ўзбекистон» ахборот.
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида).
19.15 «Овчи». Болалар учун фильм.
20.30 «Халқ саломатлиги йўлида».
21.20 «Карпат рапсодияси». Телефильм.
«ОМАД» таништиради:
21.35 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 «Тонг».
* * *
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Парда ортида».
18.55 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.45 «Протокол сатрларида».
19.55 «Мавзу».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.30 «Бомонд».
21.45 Режиссёр Л. Пчёлкин фильмларининг ретроспектив намойиши. «Сухово-Кобилин иши». 1-фильм. 2-серия.
23.00 «Матбуот-экспресс».
23.10 1994 йил қўшиқлари.

● ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

*

18.00—19.40
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.40 «Ҳар бир кун байрам».
19.50 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 291-серия.
20.40 «Ҳақиқий мусаввир, асил санъаткор, чинакамига қотил». Телеспектакль мюзикл премьераси. 1-серия.

*

21.35—23.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

23.00 «Абу Райҳон Беруний». Бадиий фильм. 1-серия.

Чоршанба,

16 МАРТ

● ЎзТВ I

7.00—9.15 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.15 «Баҳорги олимпиада ёки Хор бошлиғи». Бадиий фильм.
10.25 «Ўорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
10.40 «Саломат бўлинг!».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Оламни асранг!».
18.45 «Есинсой қўриқхонасида». Телефильм.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида).
19.15 Эълонлар.
19.20 «Шеърий дақиқалар».
19.35 «Аньана ва замон». Байтқўрғон баҳори.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахборот.
20.50 «Ўзбекистон ва жаҳон».
21.50 Замонавий ўзбек қўшиқларининг «Анор» телевизион танлови.
22.50 «Ўзбекистон» ахборот.
23.10 «Қадимги шўҳликлар». Бадиий фильм.
00.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида).
19.15 «Спринт».
19.40 «Умр лаҳзалари».
22.10 «Менинг сўнгги тангоим». Бадиий фильм.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 «Тонг».
* * *
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Эфирда — Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси.
18.50 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
19.05 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.55 «Йўлбошчи».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.30 М. Магомаев ҳузурида меҳмонда. Марио дель Монако.
22.05 «Останкино» телеканалида биринчи марта. «Итвачча-лар». Бадиий фильм («Мосфильм», «Фора-фильм», «Ритм» студияси).
23.45 «Доғистон хазинаси». Телефильм.

● ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

*

18.00—19.40
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.40 «Ҳар бир кун байрам».
19.50 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 292-серия.
20.40 «Ҳақиқий мусаввир, асил санъаткор, чинакамига қотил». Телеспектакль мюзикл премьераси. 2-серия.

*

21.35 — 23.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

23.00 «Абу Райҳон Беруний». Бадиий фильм. 2-серия.

Пайшанба,

17 МАРТ

● ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Лайлак учди, ғоз учди». Бадиий фильм.
10.15 «Ўорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
10.40 «Ҳаёт гулшани».
11.05 Мактабда «Наврўз» байрами.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Баҳор шабадалари». Телефильм.
18.20 «Ёшлик» студияси. «Армонли дунё».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида).
19.15 Эълонлар.
19.20 Кинолавҳа.
19.25 Андижон вилояти Бўз тумани бадиий жамоаларининг концерти.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахборот.
20.50 «Наврўзнома». Адабий кўрсатув.
21.30 «Фаровонлик қалити». Наманган шаҳрида бўлиб ўтган кимошди савдосига бағишланади.
22.00 «Сакраш ҳуқуқи». Бадиий фильм.
23.35 «Ўзбекистон» ахборот.
23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида).
19.15 «Баҳор лавҳалари». Телефильм.
19.30 «Тошкент оқшоми».
20.45 «Қўшиқ билан ҳамоҳанг». Фильм-концерт.
«ОМАД» таништиради:
21.35 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 «Тонг».
* * *
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Лабиринт».
18.50 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
19.00 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.50 Футбол. Чемпионлар лигаси. «Барселона» (Испания) — «Спартак» (Москва). 2-тайм. Испаниядан кўрсатилади.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.30 «Ҳар бир киши ўз улушини олади...». В. Молчановнинг муаллифлик кўрсатуви.
22.20 Футбол. Чемпионлар лигаси.
23.10 «Матбуот-экспресс».
23.15 «Академия». Дам олиш кўрсатуви.
23.45 «Вавака». Телефильм.

● ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

*

18.00—19.05
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.05 «Сенимли, шошмай тур». Мультфильм премьераси. 18-серия.
19.20 «Ҳар бир кун байрам».
19.30 «Ҳақиқий мусаввир, асил санъаткор, чинакамига қотил». Телеспектакль мюзикл премьераси. 3-серия.
20.25 «Ҳеч ким унутилмайди».
20.30 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 293-серия.
21.20 «Зўр яшаяпсанми!».

*

21.35—23.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

23.00 «Рингга чақириляпти». Бадиий фильм.

Жума

18 МАРТ

● ЎзТВ I

7.00——9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Қизалоқ, фильмда ўйнашни хоҳлайсанми!». Бадиий фильм.
10.20 «Ўорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
10.35 «Ёшлик» студияси. «Сенинг замондошинг».
11.10 «Чорраҳа».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Маърифат масканлари».
18.35 «Пилла—бойлигимиз».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида).
19.15 Эълонлар.
19.20 «Навоийхонлик». Адабий кўрсатув.
20.00 «Дунё воқеалари».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахборот.
20.50 «Бевосита мулоқот».
21.50 «Наврўзи ажам». Мусиқий кўрсатув.
22.30 «Фирибгарнинг фириби ёки бир жойда зир югуриш». Бадиий фильм.
24.00 «Ўзбекистон» ахборот.
00.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида).
19.15 «Укинч билан...».
20.20 Теннис. Президент кубоги учун халқаро турнир олдидан.
20.30 «Ўзбекистон» ахборот.
20.50 «Иқтисод, тадбиркорлик, солиқ». М. Қодировнинг муаллифлик кўрсатуви.
21.35 «Матонатли кишилар». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 «Тонг».
* * *
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Маданият янгиликлари.
18.40 «Инсон ва қонун».
19.15 «Америка М. Таратута билан».
19.45 «Мўъжизалар майдони».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Детективлар клуби»да. «Каплан». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси, 3-фильм.
23.05 «Ҳафтанинг машҳур кишиси».
23.20 «Оба-На».

● ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

*

18.00—19.35
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.35 «Ҳар бир кун байрам».
19.45 Киномарафон «Хиросима — менинг муҳаббатим». Бадиий фильм.

*

21.35—23.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

23.00 «Лейтенант Некрасовнинг хатоси». Бадиий фильм.

Шанба,

19 МАРТ

● ЎзТВ I

7.00—9.15 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.15 «Ватанни севмоқ иймондандир...».
10.05 М. Ҳазратқулов. «Меҳр кўп кўргуздим...». Йўлдош Охунбобоев номидаги Ёш томошабиннлар театрининг спектакли.
11.30 «Кулги —дармон дейдилар». Рустам Мирзаалиев.
12.10 Инглиз тили.
12.40 «Ҳорманг, оқсоқоллар!». «Яккасарой» маҳалласига бағишланади.
13.10 «Халқ севган достонлар». Ўзбекистон халқ артисти Рўзимбек Муродов ижросида «Гўрўғли ва Бозирғон» достони.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Мультипанорама».
18.35 «Шоҳсупа». Жаҳон чемпионлари совриндори Ботир Мамедов.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида).
19.15 Эълонлар.
19.20 «Хонатлас». Телефильм.
19.30 «Тановар» миллий рақс ансамблининг концерти.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахборот.
20.50 «Хотира». Элбек.
21.45 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида).
19.15 Болалар учун. «Табассум».
19.55 «Ўзбекистон спорти» (рус тилида).
20.30 «Ўзбекистон» ахборот.
20.50 «Наврўз нашидаси». Телефильм.
21.10 «Арслоннинг саргузаштлари». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.50 «Бир боқишда муҳаббат».
18.30 «Коламбия пикчерс» таништиради: «Қойилмақом жуфтлик». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 6-серия.
19.25 «Ҳафтанинг акс-садоси».
19.45 «Коламбия пикчерс» таништиради: «Голиаф кутмоқда». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.30 Хоккей. НХЛ чемпионати. «Спартак» — «Динамо». «Сокольники» Спорт саройидан кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.20) — «Матбуот-экспресс».
23.00 «Буржлар туркумидан».

● ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

*

15.00—18.00
«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ АССАЛОМ, НАВРЎЗ!

15.00 Дўстлар табриги.
16.00 «Дўстлик чегара билмайди».
17.00 Баҳор тароналари.

*

18.00—19.40
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.40 «Ҳар бир кун байрам».
19.50 М. Жванецкий. «Ўртоқлар, жаноблар ҳузурига ўтишга ижозат беринг». «Турли мамлакатларга саёҳат» туркумидан.
21.05 Спорт кўрсатуви.

*

21.10—23.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

23.00 «Солдат ҳақида қисса». Бадиий фильм.

Якшанба,

20 МАРТ

● ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Улмас мерос». Телефильм.
9.20 «Наврўз чорлови».
10.00 «Ёшлик» студияси. «Ватанимга хизмат қиламан».
10.30 «Маҳоблҳорат». Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 58—59-сериялар.
12.00 «Табрикнома». Байрам мусиқий кўрсатуви (такрор.).
13.30 «Ким яхши қулдиради!».
14.10 «Қишлоқ ҳаёти». Публицистик-мусиқий кўрсатув.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Сирли сандиқ».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ҳафтанома» (рус тилида).
19.30 Эълонлар.
19.35 «Ойнаи жаҳонда...».
19.55 «Ҳамал хаёллари». Кинокўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 «Дил наволари». Ўзбекистон халқ артисти Насиба Абдуллаева куйлайди.
21.50 «Майсаранинг иши». Бадиий фильм.
24.00 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
17.00 «Мультфейерверк».
17.30 «Курьер».
17.45 «Рок ҳақида».
18.10 «Ҳар соҳадан бир шингил».
18.20 «Парижга қайтиш».
18.50 «Совға».
19.20 «Даракчи».
19.30 Эълонлар.
19.35 «Видео-О».
21.15 Эълонлар.
21.20 «Курьер».
21.35 «Танишиб қўяйлик» («Вольфсон Шарк Интерпрайзис» қўшма корхонаси).
21.50 Эълонлар.
21.55 «Шарқ дурдоналари».
22.25 «Даракчи».
22.35 Эълонлар.
22.40 «Видео-О».

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.45 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
18.25 «Ҳунарли хор бўлмайди».
18.30 Янгиликлар.
18.45 «Бу джаз дунёси». Кўрсатувни А. Козлов олиб боради.
19.05 «Мен билан содир бўлган барча воқеалар...». Зиновий Гердт.
20.10 «КВН»—аралаш-қуралаш».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 «Якшанба». Ахборот-публицистик кўрсатуви.
22.45 «Большой театр. Кундуз кунлари ва оқшомлари».
23.35 Катталар учун мультфильмлар.

● ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

*

15.00—18.00
«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

«ЎЗБЕКИСТОН —ЯГОНА УЙИМИЗ». Наврўз байрамига бағишланган кўрсатув.
15.00 «Умид ва баҳор рамзи».
16.00 «Қалбим ҳароратли».
17.00 «Баҳорги вернисаж».

*

18.00—18.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.25 Эй-Би-Си якшанба оқшомида. «У уйғонди». Бадиий фильм.
20.15 «Ҳар бир кун байрам».
20.25 Мульти-пульти.
20.35 «Юлдузлар ёғилганда».

*

21.35—23.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

23.00 «Меҳрибонлик». Бадиий фильм.

Азизим, ғунчага назар сол бир он,
Бағрида ҳозирча турфа ҳол пинҳон...

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ЭЪЛОНЛАР

Кўпчиликка таниш бўлган руҳий даволовчи табиб

ДИЛБАРХОНИМ СОБИРЗОДА

19 мартдан бошлаб барча дардманд кишиларни, иш, оила ва бахтдан омади келмаганларни илоҳий куч ёрдамида даво орқали қайтариб қилиб ёрдам беради ва то мир уришингизга қараб барча дардларингизни айтиб беради.

Жума ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабулга келишингизни ОЛЛОҲ дилингизга солган бўлса барча муш-кулларингиз осон бўлади деган умиддамиз.

Манзилгоҳимиз: Халқлар дўстлиги майдони, Бахт кўчаси, 3 уй, АБДУЛ ҚОСИМ мадрасаси.

ТАШКИЛОТ

ҲАР ҚАНДАЙ ЯНГИ ЁКИ ФОЙДАЛАНИЛМАГАН ПРЕССЛАШ, МЕТАЛЛ ҚИРҚИШ АСБОБ-УСКУНАЛАРИНИ

СОТИБ ОЛАДИ

Воситачилар хизматларига ҳақ тўланади.

ТЕЛЕФОН: (3712) 54-64-70 соат 7.00 дан 15.30 гача ва 21.00 дан 24.00 гача.

«ЗИНГЕР»

«АКАТЕКС» ТЕКСТИЛСАНОАТ ВА ТИЖОРАТ ЛТД ЎЗБЕК—ТУРК ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Сизнинг хизматингизга дунёга машҳур бўлган тикув ва тўқув машиналарини таклиф этади:

● Тўқув машинаси Зингер КМ 610

● Тўқув машинаси Зингер КМ 624

● Тикув машинаси Зингер супер у окназ

● Тикув машинаси Зингер феличита

● Пресс дазмоли

● Оверлок 3 ва 5 ипли

Сизда биз билан ҳеч қандай қийинчиликлар бўлмайди!

Бизнинг манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Маяковский кўчаси, 6-уй.

Телефонлар: 67-77-03, 68-24-18.

Факс: (3712) 67-77-03.

ISC
ИНВЕСТИЦИОННАЯ КОМПАНИЯ

ISC Инвестиция компанияси Ўзбекистон пойтахтида 1994 йилнинг 1 мартидан компаниямиз очилиши муносабати билан табриклайди

ISC

-бу сизнинг омонатларингиз уч йилда 15-30 баравар ошиш учун катта имкониятдир
-биринчи талаб бўйича 24 соат давомида фойизларини қўшиб ҳисоблаб қайтариб бериш кафолатидир.

Сизни қуйидаги манзилгоҳ бўйича агентликда кутамиз: Матбуотчилар кўчаси, 32 "Шарқ" НМК клуби.
Тел.: 32-78-87, 32-56-92.

ҲУРМАТЛИ ЖАНОБЛАР!

Сизларга энди айнан шундай мурожаат этишга ижозат бергайсиз. Сизларнинг барчангиз-ё ярмаркамизда қатнашгансиз, ё савдо ярмарکалари ва саноат кўргазмаларини ўтказишимизда бизга ёрдам кўрсатгансиз, ё биз билан кўргазмаларга боргансиз, ё бўлмасам ҳалигача бизда бўлмагансиз, лекин биздан мунтазам хат олгансиз.

Замон барчамизни манфаатлар, иш, гоявий, диний ва партиявий жиҳатдан ажратганди.

Шуни мамнуният билан таъкидлаймизки, ЯРМАРКАЛАР барча тармоқлар, корхоналар ва турли мулкчилик шаклидаги фирмалар тожирлари, ҳар қандай молларни ишлаб чиқарувчилар учун ҳақиқий бетараф ҳудуд бўлди.

ЯРМАРКА-94!!!

Корхоналар, ташкилотлар, бирлашмалар, тижорат марказлари, давлат, жамоа хўжаликлари, кооперативлар, қўшма корхоналар раҳбарлари, ишбилармонлар учун.

Ўзбекистон Республикаси "Ўзшартномасавдо"нинг "Самарқандшартнома савдо" ишлаб чиқариш-савдо бирлашмаси.

1994 йилнинг 25 мартида

САМАРҚАНД ШАҲРИДА

МИНТАҚАВИЙ ЯРМАРКАНИ ЎТКАЗАДИ.

Ярмаркада маҳсулотларнинг улгуржи хариди бўлади, ишлаб чиқариш-техник мақсадлардаги моллар сотилади, ишлаб чиқаришнинг иккиламчи ресурслари ва чиқиндиларини етказиб бериш бўйича шартномалар тузилади, айрибошлов юмушлари ўтказилади.

Ярмарка ишида фаол қатнашишга, зарур асбоб-ускуналар ва материаллар харид қилишга, мавжуд материалларни сотишга, ўзингизга зарур маҳсулотларни манфаатли алмаштириш, сотиб олишга таклиф этамиз.

Ярмарка ишида иштирок этиш учун сиз 50000 сўмни Самарқанд шаҳар, саноат қурилиш банки бўлимидаги ҳисоб рақами 000521505, банк почта индекси 703058, МФО 171809303 га ўтказишингиз керак.

Ярмаркадаги иш ўрни билан таъминланиш учун Талабномалар қуйидаги манзилга йўлланиши лозим.

703000, Самарқанд шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 85-А.
Маълумотлар олиш учун телефонлар: 33-50-77, 33-00-24.
Бизнинг телетайп: 103178 "СТАЛЬ".

Сизларни кириб келаётган Наврўз байрами билан қутлаймиз!

• *Сидқий Хандақлиқий таваллудининг 110 йиллигига*

МАРД БЎЛСАНГ ИШГА, ЭЛГА БЎЛМА ЮК...

Барча эл қаҳрамони меҳнаткаш,
Балки онларни жони меҳнаткаш,
Менки олдимда шоҳдан яхши
Бўлса ҳам эл ёмони меҳнаткаш...

Ушбу ёниқ мисралар Сирожиддин маҳдум Сидқий Хандақлиқий қаламига мансубдир. Шоир ўз ҳаёти (1894—1934) давомида энг ишчан, энг оддий ва ғайратли асалари сингари умр кечирди. Бундан яқинроқ қиёсни топиш қийин деб ўйлайман. Чунки қисқа умрининг ҳар дамини куйиб-пишиб, юқори унум учун сарфлашда, нозиктаъблик ва юксак дид-фаросатда, адолат йўлидаги дадилликда асаларига бас кела оладиган тирикжон топилмаса керак. Унинг меҳнат натижаси эса ҳар қандай неъмат тенглашиши қийин бўлган тотли болдир...

Сидқий Хандақлиқий юқори савияда битилган асарлар — хилма-хил жанрларда яратилган улкан адабий мерос қолдирди. Шеърий китоблар, насрий асарлар, диний рисолалар, қатор таржималар, ўзбек тили изоҳли луғатига оид саҳифалар, Шарқнинг забардаст адиблари томонидан яратилган маънавий хазиналарнинг нозик дид билан кўчириб-кўпайтирилиши ва юксак даражада безатилиши... Буларни амалга ошириш учун озмунча тер тўкилмайди. Мураккаб ва зиддиятли бир даврда яшаш зиммасига тушган Сидқий Хандақлиқий буларнинг барини уддалади.

Дарҳақиқат, Сидқий яшаган давр ниҳоятда оғир ва зиддиятли эди. Тошкентга тушиб қизғин ижодини бошлаган йигит оташин сатирик шеърлари учун ўн тўққиз ёшида — 1903 йил узоқ Сибирияга сургунга ҳукм қилинади. Дўстларининг вақтида огоҳ этганлари ва тегишли кўмак берганлари туфайли шоир ўриснинг «Сибирия»сидан Фарғона томонларда қочиб юришни афзал кўради. Шундай қилиб, у Андижон ва Фарғонада уч йил давомида Ризоий Андижоний каби содиқ дўстлар орттиради, баракали ижод қилади. «Минг бир кеча» китобининг арабчадан ўзбекчага таржимасини ҳам асосан шу ерда амалга оширади.

Хуллас, кейинги сиёсий воқеалар, ҳар хил давлат тўнтаришлари, советлар давридаги ҳадиксираш, қувғин ва очарчиликлар Сидқийни ҳам обдон тинкасини қуритиб, сарсон-саргардон қилади...

Мана шундай оғир шароитларни енгиб ўтишнинг бирдан-бир чораси тинмай ишлаш, ишлаганда ҳам иш кўзини билиб, ҳалол меҳнат қилиш эканлигини қалбдан ҳис этган шоир аввало бу йўлда шахсий намуна кўрсатади. Уни таниганбилган кексаларнинг хотирлашларича, Сидқийнинг қўлидан келмайдиган юмуш йўқ экан. Ҳар қандай оғир ишни оз куч сарфлаб, чиройли бажаргани туфайли уни «устаси фаранг» деб аташаркан. Бутун умри давомида устозини фахр ва эҳтиром билан ёдида асраб ўтган Абдулла ота Носиҳий суҳбатларимизнинг бирида шундай деган эдилар: «Домлам, агар мақтаниброқ айтадиган бўлсам, нақ кафтида шўрва пиширишни ҳам эплар даражада абжир эдилар! Ўз қўллари билан ёпган ширмой нонларнинг мазаси ҳали-ҳали оғзимдан кетмайди!...».

Шоирнинг ҳовлисида ранго-ранг гуллардан ташкил топган гулзор, тотли мевалари ҳар йили шиға-шиға ҳосил берувчи кўркам боғлар кўрган кишининг кўзини қувонтирар, меъёрида етказиб парваришланадиган асаларилар эса ўз хўжасига мўл-кўл бол инъом этишарди. Сидқийнинг эшигидан беморлар узилмас, ҳар хил дориворлардан тайёрланган малҳамдан энг оғир дардмандлар ҳам шифо топишарди. Йўрға биясини миниб тоғу тошларда кезиб юрувчи шоирнинг қўли дориворлар тўплар, дилида эса халқнинг энг оғир дарди — очарчилик балосидан омон ўтиш хусусида режалар, мисралар маржони туғиларди. Мана улардан айрим намуналар: «Ҳар бир нарса ўз оғирлигини ўзи кўтарур, — дейди Сидқий. — Чунончи, чўкиб ётган тева бирла филни кўтариб турғизиб бўлмайдир. Шунга ўхшаш, ҳар бир номусли киши ўз оғирлигини ўзи кўтарсин... Тош тушган ерда оғир, деган сўзнинг маъноси шул бўлур:

Мард бўлсанг ишга, элга бўлма юк,
Ишлабон топган қаро нондир чучук.
Соғлиғинг қадрини билғил, ишлағил,
Дарди йўқ бекорни ялқовдан чекил.
Меҳнат эт, ҳар доимо роҳат яша,
Ёзу қишда яхши еб, яхши оша.
Сидқиё гар ишламассен хорсен,
Тутсанг эл қўлиға кўз мурдорсен!..

«Вақт бирла отилган ўқ баробар эрур, — дея шоир бу фикрини ҳам шеърий мисраларда давом эттиради:

— Эй биродар вақт эрур мисли қилич,
Вақтида урғил қилични, қўйма кеч.
Ишлағил, иш вақтини ўтказмағил,
Соҳибарварлар қошиға бормағил.
Ўтган ишни Сидқий дер — отилган ўқ,
То шу дам отилган ўқ келгони йўқ.
Ҳарна эксанг ғайрат айлаб шул баҳор
Унса ердин бир куни ишга ярар.
Экмасанг, юрсанг баҳорда ўйнабон
Қиш куни келганда сенда қайда нон!..

Сирожиддин маҳдум Сидқий Хандақлиқий ўз халқининг ҳақиқий севимли фарзанди эди. У мудом оддий инсонлар ичида яшади, халқ куйса куйди, ёнса ёнди, оч қолса у ҳам оч қолди. Шунинг учун шоирни оддий одамлар ғоят қадрлаб ҳурмат қилганлар.

Сидқий Хандақлиқий табиатан тиксўз, дилидаги туғённи шартта бетга айтувчи муросасиз инсон бўлган. У ишбилармон, ҳар нарсада иш кўзини билиб ҳаракат қилувчиларни ёқтирар, дангаса, ҳаддан зиёд «оғиркарвон»ларни кўрарга кўзи йўқ экан. Бундайларни тўғри келган «нордон» сўзлар билан аямай «сийлар», ҳатто бирпасда шеър битиб, ўзларига ўқиб бераркан.

Даврнинг залворли юки елкасига тушган Сидқий Хандақлиқий ва унинг сафдошлари ҳаёти ҳамда ижоди ҳозирча «очилмаган қўриқ» бўлиб турибди. Шоир таваллудига 110 йил тўлаётган ушбу кунларда унинг адабий меросини имкон қадар тўлароқ юзага чиқаришимиз керак.

Асад АСИЛ,
ёзувчи.

СИДҚИЙ ХАНДАҚЛИҚИЙ ЎГИТЛАРИДАН:

«Одам уч хил бўлур — бутун одам, ярим одам, одам эрмас. Сидқийнинг қошида бутун одам шулки, ўз ақлига иш буюриб, касби-корга машғул бўлур. Ярим одам шулки, ўзи бир ишни уддасидан чиқа олмас, лекин бировнинг далолати билан ишга киришур ва тиришур. Одам ҳисобинда бўлмаган одам шулдирки, ўзича касб қила олмас ва бировни иршодича (далолати билан) ҳам бир ҳунарни ухдасидан чиқа олмас...».

* * *

«Ҳой, деҳқонлар! Ерни жони бордир. Танаси, қўл-оёқлари ҳам бордир. Билурсизларми? Билмасангиз, фақир Сидқийдан эшитингки, ерни жони сув бирла ёмғир бўлур. танаси ишламоғинг, тиришмоғингдир. Қўл оёқлари турли асбоблардирки, шуларнинг барчаси мукаммал бўлса деҳқонлар илгари қадам босур.

Эй, деҳқонлар! Экинларға яхши қарангиз! Они яхшилаб тарбиялангизки, экин деҳқоннинг кўзидан сув ичар эмиш. Янги экилган экин янги туғилган бола каби бўлурки, ўз вақтида яхши қаралмаса, нобуд бўлур (қуриб қолур)».

* * *

«Ер қотса ҳўкиз ҳўкиздан кўрар эмиш».

* * *

«Етти кунги ёмғирдан елиб ўтган сув яхши».

* * *

«Эй, деҳқон ўғли! Сидқийдан ушбу бир неча сўзни яхшилаб англаб ол. Қулоғинг чангу рубоб товушини эшитмаса ҳам юрмоғинг мумкин бўлур, ҳар кўзинг боғларда битган тамошосидин қолса ҳам чидайдур, бошинг остида момиқ болиш бўлмаса ҳам тош қўйиб ётсанг бошинг баланд бўлиб роҳат бирла ухларсан, қучоғингда нозанин ёринг бўлмаса ҳам тизингни қучоқлаб бир навча овунарсан...

Лекин ушбу қат-қат қурсоқнинг очлиқ ва бир лаҳза чидамайдур. Андоғ бўлса деҳқончилиғ ишиға кириш, ани асбобларин тугалламоққа қувватинг борича тириш, токи истиқболда оч қолма, раҳми йўқ бойларға муҳтож бўлмағил...».

Шарқшунослик институти,
инв. № 8073.

СУРАТДА: Сидқий туғилиб ўсган ҳовли.

Қўшни хонадон соҳиби, раҳматли Шоюнус ота Шораҳимов. Шоюнус ота Сидқийни яхши таниган-билган, у билан кўп марта учрашишга, суҳбатлашишга муяссар бўлган эди.

МУШТАРИЙ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ПОЧТАЧИ ОТ МИНСА...

Шаҳарларни билмадиму, айрим қишлоқларда ҳозир одамлар газета ўқимай қўйишди. Ўқишни истамагани учун эмас, ўқишга имконият бўлмаётгани учун. Пулидан чўчиб, вақтида обуна бўлишмаганидан сўнг газетани ўқишнинг имкони бўлмайди-да, дерсиз. Бу эътирозда ҳам маълум даражада асос борлигини инкор қилмаймиз. Лекин асл моҳият бошқа томонда. Обуна бўласан. Лекин газетани вақтида ололмайсан. Ва ҳатто, ҳафталаб, ўн беш кунлаб ололмай қоласан. Ҳа, десанг, почта келмади. Почтани олиб келишга машина, аниқроғи, машинага бензин бўлмай қопти, дейишади.

Бугун бўлса одамларимиз биздан, қишлоқда газета сотишни ташкил қилмоқ керак, деб талаб қилишмоқда.

Мен бу таклифга шундай қўшимча қиламан: почтани ташишга бензин топилмай қолаётган бўлса, уни от билан ташишни йўлга қўймоқ керак. Ахир туманларнинг маркази билан хўжаликлар ораси кўп ҳам узоқ бўлмайди-ку.

Ҳ. ХУРРАМОВ,
Шўрчи туманидаги «Полвонтош» жамоа хўжалиги партия ташкилоти котиби.



Дарё сувини баҳор тоширар... Е. БОТИРОВ фотоэтюди.

• *Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!*

ЖИНОЯТЧИЛАР ГУРУҲИ ТУГАТИЛДИ

Ўтган йил 25 июнга ўтар кечаси номаълум шахслар юзларига ниқоб кийиб, Ургут тумани Ибн Сино номли жамоа хўжалиги «Замбарак» қишлоғида яшовчи Эргашевлар хонадонига бостириб киришди. Қирқма милтиқ, пичоқ ва бошқа совуқ қуроллар билан қўрқитиб, уларнинг 605000 сўм пули ва қимматбаҳо нарсаларини олиб кетишди.

Кўп ўтмай 6 кишидан иборат бу гуруҳ аниқланиб, ушланди. Уларни қилмишлари терговда исботланиб туман халқ судига юборилди.

Яқинда ҳакам А. Тўйчиев раислигида ушбу жиноий иш кўрилиб, ҳукм чиқарилди. Жиноий гуруҳнинг бошчиси Олим Умаров ва Акмал Аҳмедовлар Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 127-моддаси 4-банди билан айбланиб 15 йил, Карим Умаров, Сирожиддин Алиқуловлар 13 йил, Ҳайит Дўстов ва Бурҳон Эргашевлар 14 йил муддат билан озодликдан маҳрум этилди ва жазони ўташ кучайтирилган режимдаги аҳлоқ тузатиш муассасасига белгиланди.

Х. РЎЗИҚУЛОВ,
Ургут тумани ИИБ жиноят қидирув бўлинмаси тезкор вакили, милиция катта лейтенанти.

ЭТИГИ ЕҚИБ ҚОЛГАН ЭМИШ...

Гулистон шаҳрининг аҳоли зич жойлашган даҳасида дарсдан уйига қайтаётган талабага куппа-кундузи ҳужум қилинди. Унинг янги этигини талончи зўрлик билан тортиб олди. Жабрдийда ёрдам сўраб участка мубоширига мурожаат қилди. Бир соат ўтмай, аниқроғи қирқ минут ичида милиция ходимлари талончини қўлга туширдилар. У шаҳар атрофидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигида яшар экан. Этик эгасига қайтарилди, жиноятчи эса қилмишига яраша жазосини олади.

МАВОЗА БЎЛМАДИ

Милиция ходимлари Красноярскдан келган одамга Калашников автоматини сотишга уринган икки тошкентликни ушлашди. Дастлабки терговда маълум бўлишича автомат наркотик моддага алмаштириш учун керак бўлган эмиш. Терговчилар Калашников автоматини бозорчилар қаердан олганини текширишмоқда.

(ЎзА).

Спорт

ХАЛҚАРО МУСОБАҚАДА

● Ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталари Ҳиндистон сафаридан зафар қучиб қайтдилар.

Ҳиндистон очиқ чемпионатида қатнашган боксчиларимиз 12 вазн бўйича иштирок этиб, маҳорат кўрсатишга ҳаракат қилдилар. Улар жами 7 та олтин медални қўлга киритиб, мамлакатимиз терма жамоасининг биринчиликни эгаллашини таъминладилар.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА ҲОЗИРЛИК

● Енгил атлетикачиларимиз Қозоғистонда ўтказилган халқаро мусобақада муваффақиятли қатнашдилар.

Вакилларимиз жамоа ҳисобида фахрли 2-ўринни эгаллашди. Майдон эгалари эса биринчи бўлишди. Хитой спортчиларига 3-ўрин насиб этди. Бу мусобақа спортчиларимизнинг Португалияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатига ҳозирлик кўришида муҳим босқич бўлиб қолади.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

● Тошкент вилояти футбол уюшмасининг пленуми бўлди.

Йиғилишда Ўзбекистонда футболни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисидаги қарор қандай бажарилаётгани ҳақида сўз юритилиб, янги мавсум вазифалари белгиланди. Оммавийликни таъминлаш йўлидаги камчиликлар таъкидланди. Пленумда вилоят ҳокими М. Икромов пойтахт вилояти футбол уюшмасининг раиси этиб сайланди.

● Мавсум арафасида

АРМИЯЧИЛАР ТЎП СУРГАНДА

Ўтган йили республикамизда илк бор ўтказилган футбол сўрови якунларига кўра Марказий ҳарбий спорт клуби ўйинчиси Азамат Абдураимов ҳам кучли футболчилар рўйхатидан жой олганди. Собиқ пахтакорчи мазкур жамоада унча кўп вақт тўп сурмаган бўлса-да армиячиларнинг ҳужум чизиғи анча мустаҳкамланди. Азамат яна «Пахтакор»га қайтмоқчи эди. Энди эса ҳорижликлар сафида ўйнамоқчи. Хуллас, ота-бола Абдураимовлар МҲСКни тарк этишди.

Яқинда армиячиларга янги устоз тайинланди. «Темир йўлчи! (Қўқон)да тренерлик қилган Баҳром Ҳакимов энди МҲСК бош мураббийси. Барча жамоалар сингари МҲСК футболчилари ҳам айни кунларда мамлакат биринчилиги ўйинларига ҳозирлик кўришмоқда. Тўғри машқлар тобига етказилиши учун вақт керак. Мавсумга тайёргарлик бараварида улар «Пахтакор—79» хотира-турнирида иштирок этишяпти. Хотира-турнирида Россия жамоалари ҳам қатнашганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Яқинда МҲСК—«Металлург» (Новотроицк) учрашуви бўлиб ўтди. Беллашув тўла тошкентликлар устунлигида ўтди. 3:0. Ўйин тугагандан кейин бош мураббийни суҳбатга тортдик.

— Баҳром ака, аввало янги лавозим билан табриклайман.

— Раҳмат.

— Биродар Абдураимов шогирдларига энди сиз устозлик қилаяпсиз. Футболчилар савияси қандай?

— Абдураимовни яхши футболчи ва мураббий, деб биламан. Жамоани қабул қилиб олганимдан кейин МҲСК таркибида ёш умидли, келажаги бор ўйинчилар жамланганлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Шубҳасиз, бунда Биродар Абдураимовнинг хизматлари катта.

— Ҳадемай мамлакат биринчилиги бошланади. Унга қандай тайёргарлик кўряпсизлар?

— «Пахтакор—79» хотира-турнири мусобақаларида муваффақиятли қатнашиш билан чемпионат ўйинларига тайёргарлик кўряпмиз. Асосан футболчиларни жисмоний чиниқтириш машқларига кўпроқ эътибор бераётирмиз. Жамоа ўйинчиларининг ҳаммаси ёш. Шунинг учун бир неча тажрибали футболчиларни таклиф қилмасак бўлмайди. Зеро, футболчиларда шиддаткорлик бор. Бироқ тажриба етишмаётгандек.

— Жамоадаги ўзгаришлар хусусида тўхталсангиз.

— Яқинда армиячилар сафига Акмал Ҳошимов, Виталий Ли, Виталий Аванесовлар қўшилишди. Учаласи ҳам ёш, иқтидорли футболчи. Юқорида айтганимдай, жамоага тажрибали ўйинчилар керак. Ҳозир шу ҳақда бош қотиряпмиз. Менга ишонч билдириб шундай командани тоширишган экан, мухлисларни қувонтириш учун бор куч ва билимимни сарф этаман.

Миллионлар севган ўйин — футболнинг бошланишига оз қолди. Ҳадемай, яшил майдонлар футболчию мухлисларни ўзига чорлайди.

Равшан ШОДИЕВ.

Ўзбекистон давлат Теларадиокомпанияси республика радиоси жамоаси режалаштириш бўлимининг эфирга узатиш ходими Т. Тошпўлатовга отаси

ТОШПЎЛАТ ўғли

АКБАР қорининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

● СОҒЛИҒИНГ ҚАДРИГА ЕТ, ТО ХАСТА БЎЛМАСДАН БУРУН

АРҒУМОҚ ОСТИНГДАДУР

ДЎЛАНА, САРИМСОҚ, АСАЛ ВА БОШҚАЛАР

Айтишадики, инсон боласи шифокор билан хасталик ўртасида «мулоқот»да бўларкан. Менимча, кўп нарса одамнинг ўзига боғлиқ. Шифокорлар ҳамиша таъкидлаганидек, бемор касаллик билан оқ бўлмай, табибга «дил рози»ни айтса, касаллик тезроқ чекиниши турган гап. Шу жиҳатдан қараганда севимли газетамиз — «Ўзбекистон овози» саҳифасида «Арғумоқ остингдадур» рукнининг очилиши кўпчиликка маъқул тушмоқда. Шу баҳонада юртимизда азалий қўлланиб келинган туркона доридармонлар, халқ табобатидаги «Асори-атиқалар» яна оммавийлашиб, элимиз соғлиғини мустаҳкамлашга хизмат қилса, ажаб эмас.

Мозийга назар ташлайдиган бўлсак зардўшлик даври, ундан кейинги асрларда яшаган бобокалонларимиз Ибн Сино, Ал Розий, Ибн Хамар, Абу Наср Масихий, Исмоил Журжоний, Чагминий каби табиблар шифобахш гиёҳлардан фойдаланиб, хасталикларга малҳам қўйганлар. Чунончи, дўлананинг шифобахш хосиятларини ҳам ҳар ким билмаса керак. Юрак хасталикларида ишлатилувчи нитрит ва нитрат, сустак, нитронг, нитросарбит, интенкордин, коронтин ва фоли-кор каби ўнлаб дориларни топиш осон бўлмай қолди. Ваҳолонки, дўлана халқ табобатида шу мақсадларда самарали фойдаланиб келинган.

Бир ош қошиқ дўлана қоқисини 200 грамм сувда қайнатиб, совутилади. Шу тарзда тайёрланган қайнатмадан стаканни тўлдириб, кунига 3 марта ичилади. Қайнатмани наъматак билан аралаштириб тайёрланса яна ҳам фойдали бўлади. Шунингдек, дўланадан тайёрланган спиртли тиндирма ҳам фойдалидир. Кунига 20 томчидан бир пиёла сувга томизиб уч маҳал истеъмол қилиш мумкин.

Саримсоқ ва лимондан тайёрланган турли малҳамлар ҳам юрак ишемик касаллигини даволашда ижобий натижалар беряпти. Бунинг учун 1 килограмм асалга ўртача катталикдаги саримсоқнинг ўнта бўлагини эзиб, ўн дона лимон шарбатини қўшиб аралаштирилади ва 3—7 кунгача олиб қўйилади. Ундан кейин чой қошиғида бир кеча-кундузда тўрт маҳал истеъмол қилиб турилса, бемор ўзини жуда яхши сеза бошлайди. Шароитга мослашиш мақсадида биз ҳозир шифохоналарда ана шундай қайнатма, малҳамлардан фойдаланишга эътибор қилмоқдамиз. Ўйлаймизки, оддий усулда тайёрланадиган бундай дори-дармонлар бошқаларга ҳам малҳам бўлади.

Науриз ЕШНИЕЗОВ,
Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган шифокор.

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ШАРҲЛАР

НОН ВА КИЙИМ-КЕЧАКЛАР

ЖИЗЗАХ. Зафаробод туманида саноат шаклланмоқда. Туман марказида кунига етти хилдаги 2,5 тонна нон маҳсулотлари тайёрлайдиган завод ишга туширилди.

Аҳоли Жиззах ва Пахтакор шаҳарларидан нон келтирилишини кутадиган бўлди. Болалар ва аёлларнинг кийимлари тикиладиган корхона эса 30 нафар кишини иш билан таъминлашга имкон берди. Украинадан келтирилган ускуналар билан жиҳозланган бу корхонанинг маҳсулотлари сифатлилиги билан кўпчиликни мамнун қилмоқда. Шу тумандаги Собир Раҳимов номли ижара ширкат хўжалигида бунёд этилган ғишт заводида ҳам маҳсулот чиқариш йўлга қўйилди. Бу ерда кунига 5 миллион дона пишиқ ғишт тайёрлаш имкони бор.

Бахтиёр РИЗАЕВ.

УЙ БЕКАЛАРИ МАМНУН

Навоий туманида Президент Фармонлари ижросига алоҳида эътибор берилмоқда.

Аҳолини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш борасидаги ишлар самарали олиб бориляпти. Кейинги икки йил мобайнида хўжалик ва қишлоқларда 205 километрдан ортиқ қувур ётқизилди. Ҳозир 2067 хонадонда зангори олов порламоқда. Хусусан, тумандаги «Ўзбекистон», Қодир Раимов, Навоий ва Ибн Сино номли жамоа хўжаликларига қарашли қишлоқларда табиий газдан фойдаланилмоқда. Ҳатто «Хазара» жамоа хўжалигининг олис қишлоқларига ҳам зангори олов етиб борди.

ЧЎҒДЕК ГИЛАМЛАР

ТОМДИ туманидаги Калинин номли давлат хўжалиги марказида гилам тўқиш кичик корхонаси ишлаб турибди.

Маҳаллий шароитда хом ашёнинг сероблиги қўл келмоқда. Қўй жунидан киги, поёндоз ҳамда гиламлар тўқиб чиқарилмоқда. Ўтган йилнинг ўзида корхона жамоаси қарийб 5 миллион сўмлик гилам ва поёндозлар тўқиб чиқарди. Корхона иқтисодиёти яхшиланиб бормоқда. Илгари бор-йўғи 5 нафар хотин-қиз меҳнат қилган бўлса, ҳозир улар 20 нафардан ошди.

Музаффар ШАРОПОВ.

АРЗОН ЭТИК КИЯСИЗМИ?

● Биз товарларнинг қиймматлашиб бораётганидан ноилож турган бир пайтда Самарқанддаги «Раҳима» ҳиссадорлик жамоа корхонаси ўзи ишлаб чиқараётган этиклар нархини бир мунча пасайтирди.

Аёлларнинг бежирим, сифатли этикларини, энди 40 минг сўмга, эркакларнинг ботинкасини 28 минг сўмга харид қилиш мумкин. Айтгандай, кимда ким «Раҳима»дан этик сотиб олган бўлса, уни махсус устахоналарда илк бор бепул таъмирлаб беришади. Кимёгарлар қўрғонида очилган устахонада эса эски оёқ кийимларнинг тагини, ҳатто лозим бўлса чармини ҳам алмаштиришади.

— Бозор иқтисодиётининг қонда-тартиблари бизни шундай йўл тутишга ундаяпти, — дейди жамоа бошқаруви раиси Л. Штивельман. — Шу боисдан уларни арзон нархда бўлса-да, сотишни ўйлаяпмиз.

Фармон ТОШЕВ,

«НАВРЎЗ» ХАЙРИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси «Наврўз» хайрия жамғармаси раёсатининг мажлиси бўлди. Унда Наврўз умумхалқ байрами арафасида ўтказилажак тадбирлар муҳокама этилди.

Меҳр-мурувват ва саховат рамзига айланиб кетган айём олдидан жамғарма хайрия мақсадларига 441 миллион сўм ажратди. Бу маблағ ёрдамга муҳтож ногиронларга, қариялар ва болалар уйларига берилади, байрам тадбирларига сарфланади.

ЯНГИ ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ

Фарғона шаҳрида Жанубий Кореянинг ДЭУ корпорацияси билан ҳамкорликда 10 минг номерли «ТДХ 18» телефон тармоғини ўрнатишга киришилди.

Унинг биринчи навбати шу йил август ойида фойдаланишга топширилади.

(ЎзА).

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир: Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИҲСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Маҳкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-26-70.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-34-69, 33-20-36.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда 5-27-11; Бухорода — 3-96-12; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-46-24; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 4-44-62; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-37-16.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—3 форматида босилади.
Ҳажми 3 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г—791. тир. 87.259. топширилди— 23.30
Навбатчилар: Ҳ. НОСИРОВ, С. САЛИМОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй. 123456.